

**Эргашева О.Н, Норбоева С.М.**

**ПЕДАГОГИК МАҲОРАТ ФАНИДАН  
СЕМИНАР МАШҒУЛОТЛАРИНИ ТАШКИЛ  
ЭТИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ**

*УСЛУБИЙ ҚЎЛЛАНМА*



**ТЕРМИЗ-2013**

Мазкур услубий қўлланма “Бошланғич таълим ва спорт тарбиявий иш” таълим йўналиши талабаларига мўлжалланган бўлиб, “Педагогик маҳорат” фанидан семинар машғулотларини бажариш учун тавсиялар Давлат таълим стандартлари талаблари бўйича бажарилиши лозим бўлган вазифалар юзасидан керакли услубий тавсиялар берилган.

Тузувчиси: Умумий педагогика кафедраси ўқитувчилари  
О. Эргашева, С.Норбоева.

Такризчи: педагогика фанлари номзоди,  
доцент М.Бозорова.

Мазкур услубий қўлланма термиз давлат университети илмий методик кенгашининг 2013 йил 22 апрел 4-сонли йиғилиши баённомаси асосида нашрга тавсия қилинган.

## КИРИШ

Мустақиллик туфайли Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган ислохотларнинг самарадорлиги, аввало, халқ маънавиятининг тикланиши, бой тарихий меросимизнинг ўрганилиши, замонавий фан-техника ривожига ва ютуқлари билан қуролланган малакали мутахассис кадрлар тайёрлаш билан узвий боғлиқдир. 1997 йил Олий Мажлиснинг IX сессиясида қабул қилинган «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» юқори малакали, рақобатбардош мутахассислар тайёрлаш тизимини ривожлантириш, маънавий бой, эркин фикрловчи шахсни шакллантиришда муҳим аҳамият касб этади.

Ёшларни илмий билимлар билан қуроллантириш, уларнинг дунёқараши, жамият тараққиётидаги ўрни, ижтимоий-сиёсий фаоллиги кўп жиҳатдан олий ва ўрта махсус таълим ўқув юртлари фаолияти билан боғлиқдир. Шундай экан, бу борада таълимни инсонпарварлаштириш, талабаларнинг ўз устида мустақил ишлашларини ташкил этиш алоҳида аҳамият касб этади. Барча йўналишдаги таълим муассасалари ишини тубдан ислох қилиш, таълим соҳасида ижтимоий кафолатларни ҳамда бу соҳани давлат томонидан қўллаб-қувватлашни амалга оширишда “Таълим тўғрисида”ги Қонунининг аҳамияти каттадир. Ушбу муҳим ҳужжатда педагогик фаолиятнинг ижтимоий мақомини ошириш юзасидан давлат сиёсатини рўёбга чиқариш кафолатланди. Чунки, ўқув-тарбия жараёнининг демократлаштиришга қаратилган йўналишини амалга ошириш ва жорий этиш учун барча шарт-шароитларни таъминлаш ҳозирги кунда давр талаби бўлиб қолмоқда. Ушбу курсни ўрганиш юзасидан тузилган семинар ва лаборатория ишланмада педагогика назарияси ва тарихи фанининг фалсафий, тарихий-маданий, ижтимоий жиҳатдан манбаларини очиб бериш кўзда тутилади, шунингдек, турли тарихий даврларда педагогиканинг муаммолари ва уларни ҳал этиш, ҳозирги кунда педагогиканинг ривожланиши, ўқитувчи фаолияти, ўқитиш технологиялари ва бошқа долзарб масалалар ўз ўрнини топган.

Вазифамиз одамларни тарбиялаб, маънавий камолатга етаклаш экан, буни педагогик фаолият ёки маърифат дейилади.”Маърифат бу тарбияланувчининг хоҳиш-иродасини керакли йўналишда бошқариш санъатидир” деган экан Абу Наср Фаробий. Педагогик амалиётимизни маҳорат билан амалга оширишимиз учун педагогика фанининг мазмун-моҳиятини ва меҳнат фаолиятимизнинг объекти ҳисобланган инсон ўзи қандай мавжудод эканлигини яхши билиб олишимиз лозим.

## **Педагогик маҳорат тушунчаси, унинг фан сифатида предмети, мақсад ва вазифалари.**

### **“Педагогик маҳорат” тушунчасининг мазмуни.**

Педагогик касби ўз моҳиятига кўра индивидуалдир. Ҳар бир педагогнинг ҳаётий ўрни ўз ишининг устаси бўлиши, уста (мастер) жуда илғор, билимдон ёки ўз ишини моҳирлик билан бажарувчи деб ифодаланadi. Педагогик маҳорати унинг фаолиятида кўринади. Педагог энг аввало, педагогик жараён қонуниятлари ва механизмларини яхши эгаллаган бўлиши лозим. Шу маънода педагогнинг умумлашган малакалари, унинг педагогик техникаси катта аҳамиятга эга. Маҳорат – бу алоҳида қудрат. Юқори ва кичик даражада уста бўлиш мумкин эмас. Маҳоратга эришиш ҳам, эришмаслик ҳам мумкин. Ҳақиқий уста меҳнат фаолияти чоғидагина гўзалдир.

Педагогик маҳоратга эришиш педагогнинг муайян шахсий сифатлари билан амалга ошади. Педагогик маҳорат юксак даражада педагогик фаолиятининг тараққий этишини, педагогик техникани эгаллашни, шунингдек, педагог шахси, унинг тажрибаси, фуқоролик ва касбий мавқеини ифодалайди.

Педагогик маҳорат категория сифатида ўзининг илмий асосларига эга. Сўнгги йиллардаги илмий ёндошувлар бу ҳолатга нисбатан қуйдагича хулоса қилишга имкон берди: педагогик маҳорат касбий фаолиятдаги индивидуалликнинг ёрқин кўриниши сифатида тушинилади.

Педагогик маҳорат категорияси касбий фаолият нуқтаи назаридан киши индивидуаллигини характерлайди. Хўш педагогик маҳорат нима? Унинг моҳияти нимадан иборат? Унга қандай эришса бўлади? Ҳозирги замон педагогика ва психология соҳасидаги илмий манбаларда педагогик маҳорат тушунчасига нисбатан турлича изоҳларга дуч келамиз. Бу тушунча моҳиятининг аниқроқ таърифи “Педагогик энциклопедия”да берилган бизнингча, бошқаларга нисбатан бу таъриф педагогик маҳорат мазмун – моҳиятини анча тўғри ёритади.” Тарбия ва ўқитишда юқори даражага эришиш ва уни доимо такомиллаштириб бориш имконини таъминловчи санъат бўлиб, талабага меҳр қўйган ва ўз касбини севган, ҳар бир педагогнинг қиладиган иши. Ўз ишининг моҳир устаси бўлган педагог-бу юксак даража маданиятли, ўз фанини чуқур биладиган, фаннинг ёки санъатнинг тегишли соҳаларини яхши таҳлил эта оладиган, тарбиялаш ва ўқитиш услубиётини мукамал эгаллаган мутахассисдир”.

Бу таърифни яхши тушуниб, унинг маъно моҳиятини таҳлил етадигин бўлсак, ушбу таърифда педагогик маҳорат тушунчаси мазмунига кирадиган қуйдаги масалаларни ажратиш мумкин бўлади:

1. Умумий маданиятнинг юқори даражаси ҳамда билимдонлик ва ақл заковатининг юксак кўрсаткичи.

2. Ўзининг ўқитаётган фанига доир кенг ва билим соҳиби.

3. Педагогика, умумий ва педагогик- психология каби фанлар соҳасидаги билимлар билан қуролланганлик, улардан ўқитиш ва тарбиялаш ишлари тажрибасида эркин ва усталик билан фойдалана билиш.

4. Ўқув – тарбиявий ишлар методикасини эгалланган бўлиши.

Педагогик маҳоратнинг мазмунига қуйдаги ўзаро боғлиқ бўлган асосий

қисмларга ажратиш мумкин: Педагог касби дунёдаги энг шарафли ва маъсулиятли касблардан бири бўлиб, унинг ижтимоий аҳамияти айни пайтда ҳам ҳеч қачон камаймайди. Педагоглик касби бир қатор муҳим талабларга жавоб бериши керак.

Мустақил Ўзбекистонда қурилаётган демократик ҳуқуқий давлатда фаолият кўрсатадиган педагог қандай бўлиши керак? Ҳозирги замон педагогининг шахси учун энг муҳим асос- бу инсонпарварлик. Педагог жуда юксак даражадаги маданиятга эга бўлган шахс. У жуда кўп нарсани билиши керак. Ҳозирги замонда ўзи ўқиётган фан соҳасидаги ютуқлардан, янгиликлардан хабардор бўлиши керак. Ўқувчиларни ҳар куни ўқишга ўргатиб бориш учун ўзи мунтазам ўқиб, ўрганиб, ўз билимини тўлдириб, чуқурлаштириб бориши керак.

Демак, педагог, педагогик маҳоратининг асосийси ўз устада мустақил ўқишидир. Ўзбекистон мустақиллика эришгандан кейин таълим-тарбия соҳасида, миллий ахлоқ – одобни қайта тиклаш борасида, миллий урф – одатлар анаъналарни жой-жойига қўйиш миллий қадириятларни янада ривожлантириш хусусида буюк бурилишлар бўлгани барчага аён. Давлатнинг буюк келажаги, албатта, ёшларни чуқур билим ва покиза одоб-ахлоқли қалб эгаси эканлигини ёддан чиқармаслик лозим. Бу муаммода маҳоратли, билимли педагогларнинг ўрни муҳим ва педагогик маҳорат фанинг роли ўлкан. Педагогик маҳорат ўқув фанинг предмети – педагогнинг маҳорати; мақсади – маҳоратли педагогни тарбиялаш. Педагогик маҳорат ўқув фанининг мазмуни, тарбия моҳияти ва шахсни ҳар томонлама тараққий эттиришда тарбиянинг ролини очиб беради. Шунингдек, педагогик маҳорат фани ўз тараққиёти давомида таълим - тарбия соҳасидаги тажрибаларни умумлаштиради, тарбиянинг келгусидаги ривожланиш истиқболлари, йўлларини ёритиб берди. Педагогнинг моҳияти шундай бир малакалар йиғиндиси дирки, у педагогга тарбияланувчилар кўриб ва эшитиб турган нарсалар орқали ўз фикрларини етказиш имконини беради.

Президент И.А.Каримов ўзларининг қатор нутқлари ва асарларида таълим-тарбия масалаларига тўхталар эканлар, энг аввало, ўқитувчилик касбига эътибор бериб, бу машаққатли ва шарафли эканлигини жамиятимизда таълим бериш тизимини замон талаблари асосида янгилаш, муносиб авлодни шакиллантиришни ўқитувчи фаолияти билан боғлаб, унинг ўзида ана шу хусусиятлар бўлишини кўрсатиб туради. Педагогик маҳорат – туғма ёки наслдан – наслга ўтувчи хусусият эмас, балки изланиш, ижодий меҳнат маҳсули. Бу кўп қиррали педагогик фаолият замирида ижодий меҳнат ётади. Шунинг учун ҳам педагогик маҳорат ҳамма ўқитувчилар учун стандарт, яъни бир қолипдаги иш усули эмас, балки у ҳар бир ўқитувчининг ўз устида тинмасдан ишлаши, ижодий меҳнати жараёнида ташкил топади ва ривожланади.

Агар педагогнинг касбий маҳорат дастурига амалий қараса, у ҳолда биринчи ўринга унинг интеграл сифати – ўқитувчи маҳоратидан иборат. Педагогик маҳоратга берилган таърифлар шунча кўп бўлишига қарамай, уларда маҳоратнинг қайсидир жиҳатлари албатта ифодаланади.

Маҳорат-бу юқори ва юксалиб боровчи тарбия ва ўқитиш санъатидан иборат. Педагог ўз ишининг устаси, ўз фанини чуқур билувчи, фан ва санъатнинг мос соҳалари билан яхши таниш, амалда умумий ва ёшлар

психологиясини яхши тушунувчи, ўқитиш ва тарбиялаш методикасини ҳар тамонлама билувчи ҳамда юқори маданиятга эга бўлган мутахассисдир. Бўлажак мутахассисларнинг маҳоратини оширишда маъруза дарсларининг ўрни қанчалик зарур бўлса, семинар машғулотларининг ўрни ҳам шунчалик муҳимдир.

**Олий ўқув юртларида педагогик маҳорат фанидан семинар машғулотларини ташкиллаштириш мазмуни.**

**Семинар** - таълим берувчини таълим олувчилар билан фаол суҳбатга киришишига йуналтирилган, назарий билимларни амалий фаолиятда амалга ошириш учун шароитни таъминловчи, машғулотни ўқитиш шакли.

Семинар машғулотлари қуйидаги мақсадларга эришиш учун қулланилади:

- назарий материални тартибга солиш;
- куникмаларни ҳосил қилиш;
- билимларни назорат қилиш

Таълим берувчи семинарни самарали ўтказиш учун қуйидаги вазифаларни ҳисобга олиш зарур:

- ўзининг тайёргарлиги, бунда савол ва жавоб техникасига эга бўлиши;
- ўқув гуруҳининг ҳолати унинг мотивацияси, унинг ташкил этиш хусусияти;
- ўқув жараёнининг техник жиҳозланиши.

Семинар шаклидаги машғулотга ўтиш ўзаро ҳаракатни эшиттириш (трансляция) схемасидан мулоқотга ўтишни, монологдан диалогга ўтишни англатади.

Тайёргарлик ва семинарни олиб бориш бир қатор саволларга жавоб беришни талаб этади:

1. *Нима учун?* – Семинар машғулотини олиб бориш умумий қилиб олганда таълим бериш мақсадларига мос бўлиши керак.

2. Семинар машғулот шаклида олиб бориш технологиясини *Қандай қилиб?* - ишлаб чиқиш керак.

3. Семинар машғулот вақтида муҳокама қилиш керак бўлган, материал мазмунида.

- *Нимани?* ишлаб чиқиш зарур.

4. Семинар машғулотини олиб бориш вақтида, яъни ҳисобга олиш муҳим бўлган

омиллар- *Нимани ҳисобга олган ҳолда?* янгиланиши зарур.

5. Семинар машғулотини бошқариш учун унинг самарадорлигини таъминлаш мақсадида ундан фойдаланиш мумкин бўлган, таъсир этиш воситасини-*Қандай йўл билан?* аниқлаш мумкин.

Ўқув дастурининг мақсад ва қулланиш соҳаларига мувофиқ асосий **уч турдаги семинарларни** ажратиб кўрсатиш мумкин:

**1)Таълимий** - асосан қуйидагиларга йуналтирилган бўлади:

- назарий билимларни тартибга солиш, фаоллаштириш ёки уларни мустақил ривожлантиришга;

• ўзлаштирилган билимларни амалий қўллаш куникмаларини шакллантиришга.

2) *тарбиявий*-таълим олувчиларда умумий маданиятни таркиб топтириш, ёшларни ижтимоий ҳаётга тайёрлаш, уларда кенг дунёқарашни таркиб торптириш, ўз шахсий турмушига мақсадли ёндошиш, режа ва амал бирлигини ўйғотиш куникмаларини шакллантириш.

3) *ривожлантирувчи* - таълим олувчиларда ақлий таффакурни ривожлантириш, илмий дунёқарашни шакллантириш ва ижодий фаолликни ошириш.

Педагогик маҳорат фанини ўрганиш мобайнида 8 соат семинар машғулоти бўлиб, уларни бажариш мобайнида қўйидаги кўрсатмаларга амал қилишни тавсия этамиз.

## ПЕДАГОГИК МАҲОРАТ ФАНИДАН СЕМИНАР МАШҒУЛОТЛАРИ

*1-Мавзу: Шарқ мутафаккирлари Ал-Хоразмий, Абу Райхон Беруний Абу Али Ибн Сино, Алишер Навоий, Абдулла Авлоний, Юсуф Хос Хожиб, Кайковус ва бошқаларнинг ижодий меросларида мудarrisларни танлаш, мулоқат ва муомала маданияти, муносабатга киришиш маҳорати ҳақида.*

**ТОПШИРИҚ:** *Шарқ мутафаккирлари ижодий меросида мудarrisларни танлаш, мулоқат ва муомала маданияти, муносабатга киришиш маҳорати ҳақида тезис тайёрланг.*



❖ *Бугунги кунда ўқитувчилик касби, унинг машаққати ва жамиятдаги тутган ўрни ҳақида фикр юритинг.*

ЎҚИТИШ УСЛУБИ	КЎЗЛАНГАН МАҚСАД
Кўргазма	Мавзу бўйича ғояларни шакллантириш, тушуниш, текшириш, таҳлил, мустақил фаолият олиб бориш
Индивидуал (амалий) услуб	Назарий билимларни амалиётга татбиқ этишни шакллантириш, рағбатлантириш, мустақил фикр юритиш

Кичик гуруҳларда ишлаш	Мавзуни тўла ўзлаштиришга эришиш, ҳамкорликни йўлга қўйиш, мустақилликни ошириш, кам вақт сарфлаш
---------------------------	---

√ **Муҳокама қилинадиган масалалар:**

1. Педагогик маҳорат ҳақида тушунча.
2. Ўқитувчилик касбининг тарихий тараққиёти ва унинг жамиятда тутган ўрни.
3. Ал-Хоразмий,Абу Райхон Беруний,Абу Али Ибн Сино,Юсуф Хос Хожиб,Кайковус асарларида мударрислар ва уларни танлашга қўйиладиган талаблар .
4. Алишер Навоий,Камолиддин Хусайин Воиз ал-Кошифий меросларида муомала маданияти,муносабатга киришиш ҳақида.

**Назорат саволлари:**

1. Ёш авлодни мустақил ҳаётга тайёрлаш қайси даврлардан бошланган?
2. Ўрта осийда илк таълим тарбия қачон пайдо бўлган?
3. Кайковус мударрисларнинг ахлоқий белгисини қайси хусусиятда кўради?
4. Абу Али Ибн Синонинг мударрисларга тавсиялари ?
5. Алишер Навоий асарларида мударрислар фаолияти ҳақида?

МУСТАҚИЛ ИШЛАШ УЧУН ТОПШИРИҚЛАР	✓ “Кластер” усулида мавзунинг муҳим жиҳатларини аниқланг ✓ мавзунинг технологик харитасини ишлаб чиқинг
------------------------------------	--

**Фойдаланиш учун тавсия этиладиган адабиётлар**

- 1.Кайковус “Унсурил Маолий Қобуснома” ( Форсчадан Мухаммад Ризо Огаҳий таржимаси) С Долимов-Т.Ўқитувчи.2006-208б.
- 2.А.Навоий “Маҳбубул-Қулуб”Асарлар 15-том-Т,Фан 2005
- 3.А.Н.Фаробий “Фозил Одамлар шахри”Тошкент А.Қодирий номидаги Халқлар мероси нашириёти1993-197б.
- 4.Тохтаходжаева М.Х ва бошқалар “Педагогика назарияси ва тарихи”.1-қисм.Тошкент Иқтисод-Молия 007-380б.
5. “Ўзбек педагогика тарихи” А.Зуннунов тахрири остида Тошкент Ўқитувчи .1997 й 272 - бет



**2-Мавзу: Шарқона тарбия ва унинг муносабатга таъсири. Ўзбек урф-одатлари, муомала маданияти.**

**ТОПШИРИҚ:** Ўзбек урф-одатлари, тўғрисида мақола ёзинг.

❖ Шарқона тарбияни изоҳлаб беринг.



ЎҚИТИШ УСЛУБИ	КЎЗЛАНГАН МАҚСАД
Китоб билан ишлаш	Билимларни ошириш ва мустаҳкамлаш, ўз-ўзини назорат қилиш, мустақил ўрганиш, тушуниш, асосий жиҳатларни ва ёрдамчи эслатмаларни ажрата олиш.
Мунозара	Билимларни тизимга солиш ва мустаҳкамлаш, ўз фикрини мантиқий ифода этиш, савол қўйиш, ўзгалар фикрига муносабат билдириш ва хулосаларни исботлай олишни шакллантириш.
Кичик гуруҳларда ишлаш	Мавзуни тўла ўзлаштиришга эришиш, ҳамкорликни йўлга қўйиш, мустақилликни ошириш, кам вақт сарфлаш

**√Муҳокама қилинадиган масалалар:**

1. Муносабатга киришишда шарқона тарбиянинг ўрни.
2. Дарс давомида шарқона тарбиядан фойдаланиш.
3. Ўзбек урф одатлари, уларнинг ёш авлодни тарбиялашдаги ўрни.
4. Педагогик мулоқатда муомала маданияти.

**Назорат саволлари:**

1. “Тарбия” деб нимага айтилади?
2. Шарқона тарбия деганда нимани тушунасиш?
3. “Ўқитувчининг ўқувчилар билан ўзаро яқин мулоқатидан асосий мақсад нима?”

**Фойдаланиш учун тавсия этиладиган адабиётлар**

1. Кайковус “Унсурил Маолий Қобуснома” (Форсчадан Мухаммад Ризо Огаҳий таржимаси) С Долимов-Т. Ўқитувчи. 2006-208б.
2. А. Навоий “Маҳбубул-Кулуб” Асарлар 15-том-Т, Фан 2005
3. А. Н. Фаробий “Фозил Одамлар шаҳри” Тошкент А. Қодирий номидаги Халқлар мероси нашириёти 1993-197б.
4. Тохтаходжаева М. Х ва бошқалар “Педагогика назарияси ва тарихи”. 1-қисм. Тошкент Иқтисод-Молия 007-380б.
5. В. Хусанов, В. Ғуломов “Муомала маданияти”. Дарслик-Тошкент. Иқтисод-Молия, 2009-156б.

3-Мавзу : Педагогик маҳоратни шакллантиришнинг асосий тамойиллари.

**ТОПШИРИҚ:**



- ❖ Педагогик маҳорат хақида фикр юритинг.
- ❖ Ҳозирги замон педагоги қандай маҳоратларга эга бўлиши керак.

ЎҚИТИШ УСЛУБИ	КЎЗЛАНГАН МАҚСАД
Китоб билан ишлаш	Билимларни ошириш ва мустаҳкамлаш, ўз-ўзини назорат қилиш, мустақил ўрганиш, тушуниш, асосий жиҳатларни ва ёрдамчи эслатмаларни ажрата олиш.
Мунозара	Билимларни тизимга солиш ва мустаҳкамлаш, ўз фикрини мантиқий ифода этиш, савол қўйиш, ўзгалар фикрига муносабат билдириш ва хулосаларни исботлай олишни шакллантириш.
Кичик гуруҳларда ишлаш	Мавзуни тўла ўзлаштиришга эришиш, ҳамкорликни йўлга қўйиш, мустақилликни ошириш, кам вақт сарфлаш

√ **Муҳокама қилинадиган масалалар:**

1. Педагогик маҳоратни ташкил этувчи компонентлар.
2. Педагогик маҳоратнинг асосий таркибий қисмлари.
3. Педагогик маҳоратни эгаллаш воситалари.

**Назорат саволлари:**

4. “Педагогик маҳорат”га таъриф беринг?
5. Педагогик маҳоратни шакллантирувчи омиллар?
6. “Педагогик маҳорат” фанинг вазифалари нималардан иборат?
7. Педагогик маҳоратнинг таркибий қисмлари нималардан иборат?

МУСТАҚИЛ ИШЛАШ УЧУН ТОПШИРИҚЛАР	<ul style="list-style-type: none"> <li>✓ мавзу юзасидан берилган таърифларга нисбатан ўз мулоҳазангизни ёзма равишда қисқа шаклида баён қилинг</li> <li>✓ мавзунинг технологик харитасини ишлаб чиқинг</li> <li>✓ Ўқитувчининг шахсий ва касбий сифатларини “Кластер” усулидан фойдаланиб ёритиб беринг.</li> </ul>
---------------------------------	---

**Фойдаланиш учун тавсия этиладиган адабиётлар**

1. Омонов. Н. Т. ”Педагогик технологиялар ва педагогик маҳорат”. Тошкент. Иқтисод-молия. 2009-240б.
2. Ҳолиқов А. ”Педагогик маҳорат ” Тафаккур бўстон. 2011.

**4-Мавзу: Ўқитувчи маҳоратини такомиллаштириш йўллари ва шарт-шароитлари.**

**ТОПШИРИҚ:**



❖ Ҳозирги замон ўқитувчисининг педагогик фаолиятини изоҳланг.

❖ Ўқитувчи маҳоратини такомиллаштириш йўллари ва шарт-шароитлари тўғрисида тезис тайёрланг.

ЎҚИТИШ УСЛУБИ	КЎЗЛАНГАН МАҚСАД
Расмлар	Ҳолатларни шакллантириш, эса сақлаб қолиш ва ўрганилаётган мавзунинг муҳим тарафларини очиқ бериш.
Ақлий ҳужум	Фикрларни хилма-хил баён этиш, изланиш, билимларни мустаҳкамлаш, мантиқий тафаккур юритиш
Мунозара	Билимларни тизимга солиш ва мустаҳкамлаш, ўз фикрини мантиқий ифода этиш, савол қўйиш, ўзгалар фикрига муносабат билдириш ва хулосаларни исботлай олишни шакллантириш.

**√Муҳокама қилинадиган масалалар:**

1. Ўқитувчининг таълим жараёнидаги маҳоратини ошириш йўллари.
2. Ўқитувчининг тарбиячи сифатидаги маҳорати.
3. Ўқитувчининг тарбия технологиялари асосида фаолият олиб бориши.

**Назорат саволлари:**

1. Ҳозирги замон ўқитувчисининг педагогик фазилати қандай бўлиши керак?
2. Ўқитувчи замонавий дарсларнинг қандай бўлиши керак?
3. Педагогик таълимда замонавий ахборот технологияларидан фойдаланишнинг самаралари ва имкониятлари?

МУСТАҚИЛ ИШЛАШ УЧУН ТОПШИРИҚЛАР	✓	мавзу юзасидан 10 та тест
	тузинг	
	✓	мавзунинг технологик
		харитасини ишлаб чиқинг

**Фойдаланиш учун тавсия этиладиган адабиётлар**

1. Турсунов З, Т Мақсудова Л А. "Педагогик жараёнлани ташкил этиш ва бошқариш" Тошкент- "Фан" 2009-168 б.
2. Омонов Н. Т. "Педагогик технологиялар ва педагогик маҳорат". Тошкент. Иқтисод-молия. 2009-240б.
3. Ҳолиқов А. "Педагогик маҳорат" Тафаккур бўстон. 2011.

**1-Мавзу: Шарқ мутафаккирлари Ал-Хоразмий,Абу Райхон Беруний Абу Али Ибн Сино,Алишер Навоий,Абдулла Авлоний,Юсуф Хос Хожиб,Кайковус ва бошқаларнинг ижодий меросларида мудррисларни танлаш, мулоқат ва муомала маданияти,муносабатга киришиш маҳорати ҳақида.**

**Режа:**

- 1.Педагогик маҳорат ҳақида тушунча.
- 2.Ўқитувчилик касбининг тарихий тараққиёти ва унинг жамиятда тутган ўрни.
- 3.Ал-Хоразмий, Абу Райхон Беруний, Абу Али Ибн Сино, Юсуф Хос Хожиб, Кайковус асарларида мударрислар ва уларни танлашга қўйиладиган талаблар.
- 4.Алишер Навоий, Камолиддин Хусайин Воиз ал-Кошифий меросларида муомала маданияти, муносабатга киришиш ҳақида.

Президентимиз И.А.Каримов ўз нутқларида ёшларга ишонч билдириб, Ўзбекистон келажаги ёшлар қўлида эканлигини таъкидлар экан, аввола ёшларни шундай ишончга жавоб бера оладиган инсонлар қилиб етиштириш ўқитувчи ва тарбиячиларнинг фидокорона меҳнати билан боғлиқлигини назарда тутди.

И.А.Каримов Олий Мажлис IX сессиясида сўзлаган “Баркамол авлод Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори” мавзуидаги нутқида, жамиятимизда таълим бериш тизими, янгиланиш жараёни талаблари билан яқиндан боғланмаганлиги сабабларидан бири ўқитувчига бориб тақалишини айтиб ўтади:”<sup>1</sup> Тарбиячиларнинг ўзига замонавий таълим бериш уларнинг маълумотини,малакасини ошириш каби пайсалга солиб бўлмайдиган долзарб масалага дуч келмоқдамиз”.

Бизнинг фикримизча, таълим-тарбия тизимини ўзгартиришдаги асосий муаммо ҳам мана шу ерда. **Ўқитувчи** болаларимизга замонавий билим берсин, деб талаб қиламиз, аммо замонавий билим бериш учун, аввало, мураббийнинг ўзи ана шундай билимга эга бўлиши керак.

Президентимиз Олий Мажлис XI сессиясида сўзлаган “Конституциямиз инсон манфаати учун хизмат қилсин” нутқида тарбиячи ва ўқитувчиларда Ўзбекистонда бўлаётган турли хавфлардан ёшларни ҳимоя қилувчи бўлиб майдонга чиқишга чақиради:”Олимларимиз, таълим тарбия даргоҳларининг тарбиячилари, ўқитувчилари Ўзбекистонга бўлган хавф ва таҳдидларни тарбиячилари, болаларимиз тақдири учун биринчи навбатда ёниб ҳаракат қилиши, болаларимизни бундай ёвуз хавфдан ҳимоя қилишимиз зарур”.

Таълим тўғрисидаги қонуннинг 5-моддасида “Касб тайёргарлиги бор ва юксак ахлоқий фазилатларга эга бўлган шахслар педагогик фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқига эга”эканлиги таъкидланади.

**“Педагогик маҳорат”фанининг мақсади** педагогларга касбий ижод, маҳорат малакаларини шакллантириш, педагогик техникани эгаллаш тўғрисида тушунча беришдан иборат.

**Педагогик маҳорат-бу ўқитувчи-тарбиячининг шундай**

<sup>1</sup> И.А.Каримов”Баркамол авлод Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори” Т:1997й 7-бет.

шахсий(болажонлиги, хайрихохлиги, инсонпарварлиги, меҳрибонлиги ва ҳ.к.) ва касбий (билимдонлиги, зукколиги, фидоийлиги, ижодкорлиги, эрудицияси ва ҳ.к.) фазилатларини белгилайдиган хусусиятки, у ўз фанини чуқур ва атрофлича билишда, психологик ва методик тайёргарликда, ўқувчи ёшларни ўргатиш, тарбиялаш ва ривожлантиришнинг оптимал йўлларини излаб-топиб амалий фаолиятда қўллашида намоён бўлади.

Шундай қилиб, педагогик маҳорат эгаси бўлиш учун ўқитувчи ўз ўқув предметини давр талаблари асосида билиши, педагогика, психология, методика фанларини ўзлаштириши ҳамда инсонийлик ва фидоийликни ўзида таркиб топтиришга интилиши лозим. Шунини алоҳида қайд қилиб ўтмоқ зарурки, ўқитувчилик касби мураккаб ва қийиндир. Ушбу касбнинг қийин ва мураккаблиги шу билан белгиланадики, у доимо тирик, онгли жонзот билан мулоқотда бўлади. Онгли ва тирик жонзот эса ҳам ақлий, ҳам руҳий, ҳам жисмоний жиҳатдан доимо ривожланишда бўлади. Шунинг учун ўқувчи билан доимо мулоқотда бўлиш, унга таъсир кўрсатиш, ундан психология, тарбия назариясини мукамал билишни тақозо қилади. Бу ўқитувчидан педагогик-психологик тайёргарликка эга бўлиш лозимлигини таъкидлайди.

Энциклопедияда ёзилишича **"Фаолият - атрофдаги оламга нисбатан инсоннинг ўзига хос актив муносабати шакли. Одамни мақсадга мувофиқ ва қайта ўзгартириш фаолиятнинг мазмунини ташкил этади. Ҳар қандай фаолият мақсад, усул, натижа ва жараёнлардан иборат. Ҳар қандай фаолият сингари ўқитувчилик фаолияти ҳам мақсад, усул, восита, объект ва субъект мажмуасидир. Педагогик мақсад ўқитиш, тарбиялаш асосида маънавий баркамол шахсни шакллантиришни, усул тарбияланувчилар обрўсига, ҳурматига сазовор бўлишни, педагогик меҳнат объекти сифатида - Ўқитувчининг шахси (характери, иродаси, ҳулқ-одоб, тафаккури ва ҳ.к.) Субъект сифатида тарбияланувчиларга таъсир кўрсатишни назарда тутди. Ўқитувчи ўқитувчиларни борлиқ билан таништиради экан, уларга табиат-жамият ва тафаккур тараққиёти қонуниятлари ҳақида тушунча берар экан, аввало мана шу жараёнларини ўз фаолиятининг объектига айлантиради. Дарҳақиқат, **педагогик фаолият** - бу ўқитувчининг ўқувчиларга таълим ва тарбия бериш, вазифаларини ҳал қилишга қаратилган ҳамда педагогик таъсир кўрсатиш воситалари билан амалга ошириладиган профессионал активлигидир. Ўқитувчи мазкур фаолият жараёнида ўқитади, йўл-йуриқлар кўрсатади, тарбиялайди, ўқув-тарбия ишларини ташкил қилади, Президент, ҳукумат фармойишларини тарғибот қилади, ўз малакасини ошириш учун мустақил билим олишни режалаштиради, оқибат натижада ўзи ҳам камол топади, ўқувчиларни ҳам камол топтиради.**

Қайд қилиб ўтилганлар бевосита ва билвосита педагогик маҳоратни шакллантириш учун восита бўлиб хизмат қилади. Педагогик фаолият аниқ кўринишда бўлса ўқитувчи уқитиш, тарбиялаш ва шахсий сифатларни ривожлантириш вазифаларини аниқ ҳал этишга ҳаракат қилади. Мазкур жараёнда фаолият ақлий-руҳий жиҳатдан таъсир кўрсатиш, натижаларни назорат қилиш, таҳлил қилиш ва баҳолаш ҳамда янги вазифаларни белгилаш учун тайёрланиш билан чегараланади. Билимларни ўзлаштириш натижасида ўқувчи шахсининг шаклланиши ва ривожланиши таъминланади. Оқибат-натижада жамият талаби ва вазифалари бажарилади. Бундай жараённи ташкил қилиш учун ўқитувчи ўз олдига

турган жамият талабига молик бўлган вазифаларни англаши, вазиятни тушуниши, ҳар бир ўқувчининг ўзлаштириш жараёнини ривожлантириб, шахс даражасига кўтарилиш мезонларини аниқ кўра билиш имкониятига эга бўлмоғи даркор. Бу ўқитувчидан катта тажриба ва билим талаб этади. Бунинг учун маҳорат зарурдир. Педагогик маҳоратни эгаллаган ўқитувчи кўп меҳнат ва куч сарфлаб, яхши натижаларга эришади. Янгиликка интилиш, ижодкорлик доимо унинг ҳамкори бўлади.

## **2.Ўқитувчилик касбининг ижтимоий-тарихий ривож ва мазкур касбнинг жамиятда тутган ўрни.**

Ҳар бир жамиятда, олдинги тўзумларда ҳам ўқитувчи устоз муаллим олдида энг муҳим вазифа жамият келажаги бўлган ёшларни тарбиялаш, илм бериш вазифаси қўйилган.

Ҳатто ибтидоий жамоа тўзуми охирларидаёқ ёшларни тарбиялаш муассасалари ташкил этилиб, уларда анча тажрибали, ҳаётни кўрган оқсоқоллар болаларни тарбиялаганлар.

Кулдорлик даврида эса кулдорларнинг болалари учун махсус мактаблар ташкил этилган, қадимги Грецияда болаларни уқитадиган кишини *didaskol*("ўқитаман", "ўргатаман") деб атаганлар. Ўғил болаларни мактабга қуллардан бири бошлаб борган, бундай қул педагог ("пайе") бола, "агогаин" етаклаб бормок) деб аталган"<sup>2</sup>.

Бу тушунчалар ҳозирда ҳам ўқитувчига нисбатан ишлатилиб келинади. Лекин унинг моҳияти бошқача аҳамият касб этади.

Ҳар бир жамиятда ҳам педагогларга ўқитувчи тарбиячиларга ёшлар мураббийси сифатида катта ҳурмат билан қараб келинган.

Айниқса бизнинг мустақил Ўзбекистонимизда ўқитувчига ҳурмат эътибор ва унга қўйиладиган масъулият ҳам ниҳоятда ошиб бормокда.

Ҳозирги кунда ўзининг фидокорона меҳнати билан ёш авлодни ўқитиш ва тарбиялаш сифатини оширишга катта ҳисса қўшаётган ижодкор ўқитувчилар сони йил сайин ортиб бормокда. Моҳир ўқитувчиларни аниқлаш учун ўтказилаётган танловлар ана шу ютуқларга омил бўлмокда. Мактабларда методист ўқитувчи, катта ўқитувчи, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи, Ўзбекистон халқ ўқитувчиси унвонларига сазовор бўлган ўқитувчилар сони кўпаймокда.

1997 йил 6 октябрда Президентимизнинг "Таълим - тарбия ва кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан ислоҳ қилиш, баркамол авлодни вояга етказиш тўғрисида"ги Фармони эълон қилиниб, бунда шундай дейилади: "Таълим муассасаларида биринчи навбатда Олий таълим муассасалари профессор-педагогик ходимлар сафидан етук ўқитувчи кадрлар тайёрлаш уларни ривожланган хорижий мамлакатлар таълимидаги ижобий тажрибаларини ўрганиши ўқитишнинг янги педагогик технологиялари билан танишиши ва чет элларда тажриба орттиришини таъминлаш мақсадида "Устоз" республика жамғармаси ташкил этилсин".

---

<sup>2</sup>1Ж.Хасанбоев."Педагогика"Ношир нашириёти, Т: 2011й 22 бет

**Ўқитувчилар** сафидан юқори малакали кадрлар тайёрлашга кўмаклашиш, иқтидорли, ёш педагогларни аниқлаш, уларнинг иқтидори касбий малакасини юксалтириш, ривожланган демократик давлатларни етук ўқув юртларида ва марказларида тажриба орттиришга кўмаклашиш мақсадида, бу жамғарма тўзилган эди.

Умуман ўқитувчилар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш иши давлат ва жамоатчиликнинг диққат марказида турибди. Ўқитувчиларни фалсафий жиҳатдан кенг фикрловчи мушохадали бўлишларига эътибор берилаётир.

Бу ғамхўрликларга сабаб, халқимиз, миллатимиз келажаги кўп жиҳатдан ўқитувчи, унинг савияси, фидойилигига боғлиқдир.

Педагогик фаолият ёш авлодни ҳаётга, меҳнатга тайёрлаш учун халқ олдида, давлат олдида жавоб берадиган болаларга таълим тарбия бериш махсус тайёрланган инсонларнинг меҳнат фаолиятидир. Мактаб ўқитувчиларнинг фаолияти инсон шахсини шакллантиришга қаратилган.

Ҳар бир бола ўз хулқ атворига, ҳарактерига эга. Тарбияда ана шу хусусиятларни ҳисобга олиш керак. Бунда одамлар ўртасидаги ижтимоий муносабатларнинг мураккаблигини ўзида акс эттирувчи махсус усуллардан фойдаланилади. Педагогик фаолиятга тайёргарлик кўраётган ёшлар ана шундай хусусиятларни билиши лозим.

## **2. Ўқитувчилик касбининг тарихий тараққиёти ва унинг жамиятда тутган ўрни. Ўқитувчининг дарс бериш маҳорати.**

Шарқ мутафаккирлари ва алломаларининг ижодий меросларида ўқитувчи тарбиячи маҳорати, устозлик-шогирдлик шартларига ҳам алоҳида ўрин берилган. қўйида шулардан мисоллар келтирамиз: Масалан, машҳур файласуф ва мутафаккир, қомусий илмлар билимдони Абу Носр Форобий (873-930) устоз - ўқитувчига шундай талаб қўяди: "Устоз-шогирдларига қаттиқ зулм ҳам, ҳаддан ташқари кўнгилчанлик ҳам қилмаслиги лозим. Чунки ортиқча зулм шогирда устозга нисбатан нафрат уйғотади, бордию устоз жуда ҳам юмшоқ бўлса, шогирд уни менсимай қўяди ва у берадиган билимдан совиб ҳам қолади. У ўқитувчига болаларнинг феъл атворига қараб тарбия жараёнида "қаттиқ" ёки "юмшоқ" усуллардан фойдаланишни маслаҳат беради:

1. Тарбияланувчилар ўқиш ўрганишга мойил бўлса, таълим тарбия, жараёнида юмшоқ усул қўлланилади.

2. Тарбияланувчилар ўзбошимча, итоатсиз бўлса, қаттиқ усул (мажбурлов) қўлланилади.

У ўқитувчининг тарбия усуллари ҳукумат (давлат) ва шоҳларнинг халқни тарбиялаш ва бошқаришдаги усулларига ўхшатади, уларни қиёслайди. Ҳар иккаласида ҳам юмшоқлик ва мажбурлов зарурлигини уқтиради.

**Машҳур олим Беруний (973-1048)** ўқитувчига ўқувчини зериктирмасликни, ўтиладиган мавзунини қизиқарли ва кўргазмали ҳолда бўлиши лозимлигини маслаҳат беради. Беруний Ҳиндистон асарида эса олимлар илм ақллари хурмат қилишга чақиради. Бўларни кишилар айниқса, ҳУкумдорлар хурмат қилса, уларга ўз ўрнида баҳо берса, илмлар кўпаяди, демак жамият иқболли бўлади, гуллаб яшнайди.

**Буюк аллома Ибн Сино** (980-1037) талабага билим бериш ўқитувчининг масъулиятли бурчи эканлигини таъкидлайди. У ўқитувчининг қандай бўлиш кераклиги ҳақида фикр юритар экан, уларга шундай йўл -йўриқлар беради:

- болалар билан муомалада босиқ ва жиддий бўлиш;
- берилаётган билимнинг талабалар қандай ўзлаштириб олаётганига эътибор бериш;
- таълимда турли метод ва шакллардан фойдаланиш;
- талабанинг хотираси, билимларни эгаллаш қобилияти, шахсий хусусиятларни билиши;
- берилаётган билимларнинг энг муҳимини ажрата бера олиш;
- билимларни талабаларга тушунарли, унинг ёши, ақлий даражасига мос равишда берилиши;
- ҳар бир сўзнинг болалар ҳиссиётини уйғотиш даражасида бўлишига эришиши лозим.

**XI асрда яшаб ўтган алломалардан бири Юсуф Хос Хожиб (XI аср)** ҳам ўз ижодида илм аҳллари яъни устозларни улуғлайди. "Қутадғу билиг" асарида илм аҳли улуғланади.

Уларни ҳурматлашга кишиларни чақиради.

Тагин бир тоифа донишманд, доно

Улар илми элга машъал доимо.

Эъзозла уларни то бор имконинг,

Билимларинг ўрган токи бор жонинг.

Бўлардан ҳақиқат таянч тиргаги,

Билимли диёнат асос ўзаги

Олимлар йўқ эса эди дунёда ,

Емиш ҳам келарму эди бу дунёда

Улар илми бўлди халойиққа нур,

Ёриси бу нурдан киши йўл топур.

**Аз - Замахшарий (1075-1143)** "Нозик иборалар" рисоласида илму фан аҳллари, ўқитувчиларга нисбатан ҳурмат эътиборнинг пасайиб кетганидан куйиниб ёзади: "ўтган замонларда илму- фазилат соҳиблари подшоҳлардан ўз оғирликларига баробар олтин ҳадя олардилар, аста-секин замонлар ўтиши билан уларнинг қийматлари камайиб, итлару-олмахонлар улардн афзал бўлиб қолди, яъни нодонлар олтинлардан ортиқ кўриладиган бўлиб қолди".

Муслиҳиддин Саъдий Шерозий (Шайх Саъдий) (1184-1204) таълим-тарбияда муаллимларнинг талабчанлиги билим ва тарбия беришда қатикқўл бўлишнинг тарафдори бўлади.

Юборди ўғлини мактабга подшо,

қилиб қўйишга нуқра тахтига жо,

Кумуш ул тахтага зардан битиб ёд,

"Ота меҳридан афзал жабри устоз".

"Гулистонда" яна устоз-шогирд муносабатига оид ҳикоят келтирилади: "Бир одам кураш санъатига зўр маҳорат қозонди, у 360 хийлани билар ва ҳар куни бир хийлани ишлатиб курашар эди. Шогирдларидан бирига 359 хийлани ўргатди. Аммо бир хийлани ўргатмади: Устозининг ҳурматини билмаган шогирд,



устозидан ҳам устунлигини айтиб мактанади. Бу сўз подшога ёқмайди. Уларни кураш тушмоқларини буюради. Устоз охирги хийласини ишлатиб шогирдини енгади. Устоз ҳурматини билмаган шогирд эса халойиқ ва подшонинг нафратига ўчрайди.

**Бурхониддин Зарнуджий (1150 - )** "ўқитувчига таълим йўлида қўлланма" китобининг бир бўлими "ўқитувчи, ўртоқ, фанларни танлаш ҳақида" деб номланади. Унда ўқувчига қуйидагича маслаҳат беради:

"Ўқитувчи танлаганингизда энг аввало билимлилигига, энг олийжанобига ва яна кексасига тўхтамоқ керак ... Муаллим, устозга нисбатан ҳурматда бўлиш ифодаси шўки шогирд муаллимдан олдин юрмаслиги, унинг ўрнига бориб ўтирмаслиги лозим".

**Соҳибкирон Амир Темур (1336-1405)** ҳам ўз ҳукмронлиги даврида илм аҳллари, муаллим, мударисларга ҳурмат билан қарайди. Кишиларга мансаб беришда ҳам уларнинг илмларини ҳисобга олади. Жамиятнинг ривожига уларнинг ўрнини муҳим деб билади. Кўплаб мактаб, мадрасалар очади, уларга муаллим ва мударислар тайин этади. ўзининг устозларини ҳам жуда қадрлайди.

**Алишер Навоий (1441-1501)** ижодида ҳам муаллимлар иши уларга муносабат масалаларига кенг ўрин берилади. У ёшларга чуқур билим бериш учун муаллимлар мударрислар ҳамда устоз мураббийларнинг ўзлари ҳам билимли ва тарбияли бўлиши зарурлигини уқтиради. Нодон, мутаассиб, жоҳил домлаларни танқид этади ва ўқитувчи маълумотли уқитиш йўлларини биладиган муаллим бўлиши зарур дейди. Масалан: "Маҳбуб-ул-қулуб" асарида мактабдорлар ҳақида фикр юритар экан, уларнинг ўта қаттиққул, жоҳил ва таъмагирларини: "Мактаб тутувчи гуноҳсиз ёш болаларни жафо қилувчидир"<sup>3</sup>, - деб ёзади. Шу билан бирга ўқитувчининг меҳнатининг оғирлигини ҳолисона баҳолайди:

"Унинг иши одам тугул, ҳатто девнинг ҳам қўлидан келмайди. Бир кучли киши бир ёш болани сақлашга ожизлик қилар эди, у эса бир тўда болага илм ва адаб ўргатади. Лекин шуниси ҳам борки, болалар орасида фаҳми идроки озлари бўлади. Муаллим бу каби ҳолларда юзлаб машаққат чекади. Шу жихатдан олганда болаларда унинг ҳақи кўп, агар шогирд улғайгач, подшоҳлик мартабасига эришса ҳам ўз муаллимига қуллуқ қилса арзийди.

Ҳақ йўлида ким сенга бир харф ўқитмиш ранж ила,  
Айламак бўлмас адо онинг ҳақин юз ганж ила.

Навоий ўқитувчининг ҳурматини қанчалик жойига қўйса, унга бўлган талабни ҳам шунчалик оширади. Айниқса, мадраса мударрисларининг билимли, фозил ва доно, камтар, маънавий пок бўлишларини талаб этади. "Мударрис керакки ғарази мансаб бўлмаса ва билмас илмни айтишга уринмаса манманлик учун дарс беришга ҳавас кўргазмаса, ярамасликлардан кўркса ва нопокликдан қочса"<sup>4</sup>.

### **Ўқитувчининг дарс бериш маҳорати.**

---

<sup>3</sup> Ж.Худойқулов "Педагогик маҳорат асослари"Навруз" нашириёти Т:2012й 37-бет

Дарс жараёнида ўқувчилар билим фаолиятини бошқариш бир неча омилларга боғлиқ. Уларнинг энг асосийларидан бири ўқувчиларни ўз фанига қизиқтира олишдир. Олимлар таъкидлаганидек, фақат қизиқишгина психик жараёнлар ва уларнинг идрок, диққат, хотира, тафаккур ва ирода каби функцияларига ижобий таъсир кўрсатади.

Таълим-тарбия жараёнида ўқувчининг билишга оид қизиқишлари кўп қиррали қиёфаларда намоён бўлади: ўқувчини ҳаракатчан ва қизиқувчанлиги, ўқувчининг айрим ўқув фаолиятига шунингдек, умуман уқишга бўлган мотивлари, ўқувчи шахсининг ўзига хос белгилари ва унинг йўналишини қарор топиши ана шулар жумласидандир.

Ўқувчи ёш даврига хос табиий фаоллиги, бирор бир ақлий қизиқиш билан қамраб олинмаса, уни қайси томон бошлаб кетишини олдиндан айтиш қийин. Шунинг учун ҳам **К. Д. Ушинский** *"зўрлаш ва мажбурлашга асосланган ўқитиш"* ўқувчининг ақлий ривожланишига ҳеч қандай таъсир кўрсатмаслигини алоҳида таъкидлаб ўтган эди. Шуни таъкидлаш лозимки, қизиқишлар ва мотивлар ўқувчилар ўқув фаолиятларининг шаклланиш даражасига қараб шахсининг шакллантирувчи (ўқувчининг назарий фикри, уқиш фаолиятини ўқувчи шахси учун аҳамияти) дастлабки омиллар билан ўзаро мураккаб муносабатларда намоён бўлади.

**Ўқитувчилик ихтисосининг бу хусусиятлари профессиограммасида ифодаланади, профессиограмма қуйидагиларни ўз ичига олади:**

- 1.Ўқитувчи шахсининг хусусиятлари.
- 2.Ўқитувчининг руҳий педагогик тайёргарлигига қўйиладиган талаблар.
- 3.Махсус тайёргарликни ҳажми ва мазмуни.
- 4.Ихтисосга оид умумий тайёргарликнинг мазмуни.

**Ўқитувчи шахсининг хусусиятлари:**

**Ғоявий соҳада:**Илмий дунёқараш ва эътиқод, ижтимоий эҳтиёж ва ахлоқий заруриятларни чуқур тушуниш, ижтимоий ва фуқаролик бурчини англаш, ижтимоий-сиёсий фаоллик.

**Педагогик касби соҳасида:**болаларни севиш ва улар билан ишлашга қизиқиш, педагогик ишни севиш, руҳий педагогик зийраклик ва кузатувчанлик, педагогик назокат, педагогик тасаввур, ташкилотчилик қобилияти, ҳаққонийлик, дилкашлик, талабчанлик қатъийлик ва мақсадга интилиш, вазминлик, ўзини тута билиш касбий лаёқатлилиқ.

**Билим соҳасига:**кенг илмий савия, маънавий эҳтиёж ва қизиқиш, интеллектуал қизиқиш, янгиликни ҳис қила билиш.

Фаолиятлар кишини ўзига дуч келган ҳодисаларни таҳлил қилиш ва умумлаштириш тажрибаси билан бойитади.

**Педагогик малака-**эгаллаган билим ва куникмаларни фаолиятнинг маълум турини эгаллаб олиш, яхши бажара олиш қобилиятидир.

***Хўш педагогик маҳорат нима ва у нималардан ташкил топган?***

Бу фаҳм-фаросат ва билимларнинг чинакам илмийлиги, тарбиядаги қийинчиликларнинг энгишга қодир бўлган нуфўзли раҳбарлик болар қалбининг қандайлигини ҳис қилиш маҳорати, ички дунёси нозик ва заиф бўлган бола

шахсига моҳирлик билан авайлаб ёндошиш, донолик ва ижодий дадиллик, илмий таҳлил, хаёл ва фантазияга бўлган қобилият мужассамдир.

**Педагогик маҳоратнинг асосий таркибий қисмлари қуйидагилардан иборатдир:**

А) ўқитувчи фаолиятининг инсонпарварлик йўналиши;

Б) ихтисосга доир билимлар мутахасислик фанини, уни ўқитиш методикасини педагогика ва психологияни чуқур билиш;

В) Педагогик қобилият ( билиш, тушунтира олиш, кўзатувчанлик, обрў ортира олиш, тўғри муомила қила олиш, келажакни кўра билиш, диққатни тақсимлай олиш қобилиятлари ва педагогик назорат одоб – ахлоқ);

Г) педагогик техника (нутқ малакаси, мимик понтамимик ифодалилиги, ўз хиссий ҳолатини бошқаради.)

**3. Ал-Хоразмий, Абу Райхон Беруний, Абу Али Ибн Сино, Юсуф Хос Хожиб, Кайковус асарларида мударрислар ва уларни танлашга қўйиладиган талаблар.**

Ўқитувчи касбининг нозиклиги, масъулиятлиги ва мураккаблиги ҳамда шарафли эканлиги туғрисида мулоҳазалар, унинг маҳорати, унга қўйиладиган талаблар фазилатларига оид қарашлар муносабатга кириш маҳорати муомила маданияти Шарқ мутафаккирларининг асарларида ўз ифодасини топган. Шарқ маънавий – маданиятининг хилма – хил жиҳатлари айниқса уйғониш даврида жуда ривожланган бўлиб, бу даврда яшаб ижод этган Форобий, Хоразмий, Ибн Сино, Беруний, Абдурахмон Жомий, Жалолиддин Давоний, Алишер Навоий ва бошқа кўплаб мутафаккирлар ижодлари педагогик тафаккур тараққиётида ёш мураббийларинг маънавий – ахлоқий камолатида муҳим манба бўлиб хизмат қилади.

Тарбия – ижтимоий ҳодиса бўлиб, у кишилик жамияти пайдо бўлган даврдан бери мавжуд. Инсон ер юзида энг мукамал зот бўлиши учун, энг аввало, тарбиялаши зарур. Бунинг учун унга, энг аввало тарбиячи бўлмоғи лозим.

Ибн Сино Шарқнинг улкан қомусий аҳли, жаҳон илми ва маданиятининг энг машҳур намёндаларидан бири. У ахлоқ туғрисидаги фикрларида ахлоқий фазилатларни улуғлади ва ахлоқий иллатларни, ёмонликни кескин қоралади. Олим таълим – тарбия масаларига жиддий ва ўқитиш ҳақидаги кўп фикрлари ўзининг чуқурлиги, инсонпарварлиги ва теранлиги билан кишини ҳайратда қолдиради.

Ибн Сино ўқитиш жараёнига катта аҳамият берган ва уни қуйдаги тарзда ташкил қилишни зарур деб, ҳисоблаган:

1. Ўқувчини бирдан китобга жалб қилиб қўймаслик керак.
2. Ўқитиш аста – секин, осондан қийинга ўтиши йўли билан олиб бориши керак.
3. Ўқувчилар билан амалга ошириладиган тарбия уларнинг ёшига мос бўлиши лозим.
4. Ўқитиш жамоа тарзида уюштирилиши даркор.
5. Ўқитиш ўқувчиларнинг майили ва қобилиятини ҳисобга олган ҳолда, олиб борлиши зарур.

6. Ўқитиш жисмоний машқлар билан қўшилиб олиб борилиши шарт.

Ибн Сино тарбия масалалари ифодаланган асарларида ўқитувчининг ролига катта эътибор билан қараган. Тарбиячи танлашда муҳим масала деб ҳисоблаган. У бола 6 ёшга тўлиши билан уни ўқитувчининг тарбиясига бериш тавсия қилади. Тарбиячи ростгўй, доно, одил, озода кийинадиган, хушмуомила бўлиши зарурлигини ўқтиради ва ёш авлодни ўқитадиган ҳамда тарбиялайдиган кишилар олдига бир қанча тарбиялар қўйган.

Ибн Синонинг фан ва таълим – тарбия, ўқитувчилар тўғрисидаги фикрлари учун ана шу масалалар бўйича чуқур билим ва катта тарбияга эга бўладиган далолат беради.

Ўзбекистон адабиётининг асосчиси Алишер Навоий ўз асарлари ва илмий қараашларида ўқитувчилик қоблияти ва униг обрўси, одоби юзасидан алфозли мулоҳазалар юритади. Аллома ижодий ёндошувсиз ҳеч бир фаолиятни тасаввур қила олмайди. Шу боис Алишер Навоий асарларида одоб, ахлоқ, зийраклик, продавий куч, поклик, самимийлик ҳислатлари асосий ўрин эгаллайди.

Алишер Навоий халқ болаларини ўқитиш ва тарбиялаш учун мактаблар очиш тўғрисида ғамхўрлик қилган. Унинг фикрича, мактаб халққа нур келтиради. Демак, халқни маърифатли қилишда мактабнинг роли катта. У мактаб тўғрисида фикр юритар экан, эски мактабларда ўқитувчиларнинг билими ғоят чекланган, улар таълим – тарбиядан мутлоқ хабарсиз, лекин диний билимлар етарли бўлмаса ҳам, диний расм–русумларни бажаришга моҳир руҳонийларга, феодалларга, амалдорларга таъзимкор ва давлатга садоқатли кишилар бўлган. Бундай ўқитувчиларнинг вазифаси кўпинча маҳалла масжидда имомлик ёки сўфийлик қилиш, мактаб жойлашган маҳалладаги ҳар хил диний маросимлар ва урф – одатларда қатнашишдан иборат эди. Уларни Алишер Навоий “Мактаб тутувчи – гуноҳсиз ёш болаларга жафо қилувчидир” – деб, таъриф беради.

Юқоридаги фикрлардан кўриниб турубдики, Навоий ёш авлодни тарбиялаш – ўқитиш ҳар қандай тасодифий кишига топширишни қоралаган. У ўқитувчига энг юксак талаблар қўйган.

Хусайин Воис Кошифий (1140 - 1505) – нотиклик, адабиётшинослик, фикҳ илми нужум, тарих, иншо битиш ҳисоб илми, ўймакорлик ва ганжкорлик ва ахлоқга доир асарлар яратган мутафаккирлардан бири.

Хусаин Фоиз Кошифийнинг ўқитиришича, инсонни таълим – тарбия орқали қайта тарбиялаш, ақлий қоблиятини ўстириш мумкин. Бунинг учун болага яхши таълим – тарбия бериш, яхши сифатларини ўстиришга, уни ножўя хатти – ҳаракатларидан қайтариш лозим.

Кошифий ўқитувчиларга болаларни тарбиялашда қуйдаги усулларни қўллашни олға сурган: насихат, танбеҳ бериш, амру – фармон, мажбурият қўйиш. Юсуф Хос Ҳожиб буюк олим, забардаст дostonнавис, тадбиркор давлат арбоби. Унинг педагогик қарашларида халқ билан бирга бўлиш, адолатпарварлик ғоялари асосий ўрин тутди. Олимнинг фикрича, инсоннинг улуғлиги, ақл-идроки, сўзлаш қобилияти, билим, ўқитувчилик хунарга эгалиги. Юсуф Хос Ҳожибнинг ўқитиришича, ҳар бир киши жамиятга муносиб бўлиб камол топмоғи керак. Бунинг учун махсус тайёрланган, таёргарликга эга бўлган, эзгу ниятли ва покиза мураббий тақлиф етилиши керак.

Шундай қилиб, Ўрта Осиё мутафаккурлари ва ўзбек маърифатпарварлари ўқитувчи кучли хотирага, ирода ва тафаккурга, ақл-заковатга, чиройли нутқ ва эга бўлиши, кўзланган мақсадни амалга ошириш йўлида жонбозлик, қатъиятлик кўрсатиш. Ўқувчиларнинг руҳий дунёсига тўғри йўл топа олиш, уларга таъсир ўтказиш имконияти виждонлилик, самимий, одобли, назокатли, ишчан, масъул шахс сифатида фаолият кўрсатиши зарур эканлигини ўз асарларида таъкидлаб ўтадилар.

### ***Назорат саволлари:***

1. Ёш авлодни мустақил ҳаётга тайёрлаш қайси даврлардан бошланган?
2. Ўрта осиёда илк таълим тарбия қачон пайдо бўлган?
3. Кайковус мударрисларнинг ахлоқий белгисини қайси хусусиятда кўради?
4. Абу Али Ибн Синонинг мударрисларга тавсиялари ?
5. Алишер Навоий асарларида мударрислар фаолияти ҳақида?

***2-Мавзу: Шарқона тарбия ва унинг муносабатга таъсири. Ўзбек урф-одатлари, муомала маданияти.***

### ***Режа:***

1. Муносабатга киришишда шарқона тарбиянинг ўрни.
2. Дарс давомида шарқона тарбиядан фойдаланиш.
3. Ўзбек урф одатлари, уларнинг ёш авлодни тарбиялашдаги ўрни.
4. Педагогик мулоқатда муомала маданияти.

Инсоннинг ахлоқий тарбияланганлиги унинг атрофидаги нарсаларга бўлган турли-туман муносабатларда намоён бўлади. У инсоннинг ҳисларида кечинмаларида ифодаланади ҳамда хулқ атворида ҳатти харкатида бўлади.

Болаларга яхшилик қилиш ва меҳрибонлик ички кечинмамиз билан ҳолатдагина эмас, балки педагогик фаолиятимиздаги бола билан ёки синф билан муносабатдаги асосий мотив асосий рағбат бўлиши керак.

Муомала роллар орқали шахс фаолияти учун муайян майдон яратиб, унда у ёки бу социал хулқ атворни программалаштириш ўқитувчи ўқув тарбия жараёнига шахсий роли шаклини киритади. Дарс жараёнида ўқувчиларни ўқитувчи ташкилотчи ва ижрочи ролларида бўлишга имкон беради. Муомала шахсга ўзини танишга ўргатади. ўқитувчи дарсни режалаштирар экан фақат ахборотни эгаллаш ҳақида ўйламаслиги, балки аввало ўқитувчининг ёрдамига мухтож бўлган ўқувчиларнинг ўзи ифодали олиши учун шароит яратиш ҳақида ўйлаш, ҳар бир ўқувчининг қизиқишини таъминловчи шароитларни кўра олиши ва ҳамкорликни таъминланиши лозим.

Муомала жараёни икки типда бўлиши мумкин: Диалог ва монолог. Монолог муомалада ҳамкорлик бир томоннинг ижрочилиги асосида қурилади. Педагогик фаолият педагогнинг болалар билан яхши муносабати жараёнида, ишни демократик ташкил этиш ва биргаликдаги ижодий фаолият жараёнида бўлиши мумкин. Диалогик муомалада эса ҳамкорлик икки томоннинг ижрочилиги асосида қурилади, яъни савол – жавоб тариқасида.

Педагогик мулоқот бу ўқитувчи профессионал активлигининг бир кўриниши бўлиб, бунда таълим ва тарбия вазифалари ўқитувчи ҳамда ўқув

тарбия жараёнининг бошқа иштирокчилари ўртасидаги ўзаро таъсир воситаси билан ҳал қилинади.

Бу вазиятда ўқитувчи баҳо берувчи ролида чиқади, иккинчи унинг ўзи баҳо олувчи ҳисобланади. Равшанки бундай ҳолларда педагогик таъсир кўрсатиш вазифалари ва воситалари ҳам ўқитувчининг педагогик мулоқоти ҳар хил бўлади. Биз куйида ўқитувчининг ўқувчилар билан мулоқотини қараб чиқамиз.

Педагогик мулоқотнинг таркибий қисмлари унинг вазифалари ўқитувчининг ўқувчилар ва касбдошлари билан ўзвий алоқалари воситалар ҳамда усуллари мулоқот характериға баҳо беришдан иборат бўлади.

#### **Мулоқот вазифалари ўз ичига қуйидагиларни қамраб олади:**

- ўқувчига янги маълумот бериш ёки фикр алмашиш, ўқитувчи ва ўқувчиларнинг бир-бирларини ўзаро билишларини;

- бир-бирини хулқларини тўзатиш ва бошқариш мулоқот ҳар бир иштирокчиси шахсининг имкониятларини очиш ва ундан фойдаланиш, уларнинг ўз олдидарида турган муаммоларни ўзлари мустақил ҳал этишлари;

- ўқитувчи шахсий фикрининг педагогик жиҳатдан мақсадга мувофиқлиги мулоқот иштирокчиларининг бир-бирларидан қаноат қилганликлари ва ҳақозо.

**Педагогик мулоқотнинг бошқа жиҳати унинг воситалари ва усуллари:** воситалар ташкил этувчи, баҳо берувчи, интизомга ундовчи бўлиши мумкин. Адабиётларда ўқитувчи ўз ишининг устаси эканлиги таъкидланиб интизомга ундович воситаларға нисбатан ташкилий таъсир кўрсатишға кўпроқ ёндашилади.

Мулоқот усули сифатида шаклланган услуб амалда ўзининг учта шакли билан намоён бўлади, билимларни эгаллашда ўқитувчи билан ўқувчиларнинг биргаликдаги ҳамкорлик қилишлари ўқитувчининг ўқувчиларға тазйиқ ўтказиш ва уларнинг активлигини руёбға чиқармаслиги, ўқитувчининг ўқувчиларға нисбатан нейтрал муносабатларда бўлиши ва унинг ҳал этилаётган масаладан четта чиқиши.

Мулоқотдаги вазият бир хил ўзаро ҳаракатни, бошқа иштирокчига тазйиқ ўтказишни, бошқа иштирокчига мувофиқлашни ўз ичига олади.

Мулоқотға эмоционал тус бериш характери нейтрал ҳол орқали ижобийдан салбийлигича ўзгаради. Бўларнинг ҳаммаси мулоқот муҳитини, синфда маълум иқлимни яратади. ЕтУк педагогик мулоқот ўқитувчининг ўз ўзини мулоқот жараёни ва натижаларини назорат қилиб боришини назарда тутди.

Тўғри ташкил этилган педагогик мулоқот давомида ўқитувчи танлаган воситаларни вазифа ва шароитларға мувофиқлигининг улчовчи сифатида тушуниладиган педагогик назокат мужассамланади.

Педагогик мулоқотда қандай ўзига хос қийинчиликлари мавжуд?

Энг аввало, мулоқот махсус вазифаларининг йуклигидир, натижада ўқитувчи педагогик мулоқотни ўз меҳнатининг алоҳида томони сифатида қарамайди, уни режалаштирмайди, мулоқотнинг барча вазифалари ўқувчиларға билим беришға келтирилади. ўқитувчи билан ўқувчининг бир-бирларини ўзаро тушунмасликлари, мулоқот воситаларининг қашшоқлиги, нопедагогик вазиятлар ҳам учраб туради. М: ўқувчиларнинг тор доирадаги интизомға чақирувчи эмоционал жиҳатдан салбий тус берилган мулоқот уларға кўпинча акс

таъсир келтириб чиқаради. Педагогик мулоқот усуллари устида ишлашнинг асосланган программасини тўзиш учун ҳар бир ўқитувчи ўзининг қийнчиликларини таҳлил қилиб чиқиш муҳим роль ўйнайди.

Педагогик мулоқотга доир барча машқларнинг умумий йўналишини мавжуд педагогик вазиятларда малака ҳосил қилиш ҳар бир мулоқот иштирокчиларининг имкониятларини очишга кўмаклашувчи унинг шахсий ҳислатларини ривожланиб борувчи таъминловчи ва шу мулоқот орқали қониқтириладиган ва ҳақоза воситалардан фойдаланиши ташкил қилади. Бунга бир қатор машқлар имкон туғдириши мумкин.

Мулоқотга бошқа кишиларнинг субъектив қарашларини аниқлаш, бу одам билан мулоқотда оқилона ҳал қилиниши зарур бўлган вазифаларни аниқлаш, масалан унинг хулқини тўзатиш ёки унда шунчаки ишонч кайфиятини яратиш.

Мазкур вазият учун ўзаро ҳаракатларнинг системали воситалари мажмуасини белгилаш:

-мулоқотда бошқа кишининг жавоб ҳаракати имкониятини олдиндан кўра билиш;

-бошқа одамда психологик тўсиқ ва қарашлик келтириб чиқарувчи воситаларини кўлга киритиш;

-вазиятнинг ўзгаришига қараб фойдаланиши мумкин мулоқотларнинг бир неча моделига эга бўлиш;

-бошқа одамларни тинглаш, унинг фикрларига кўшилиш, унга ҳамдардлик кўникмасини ривожлантириб бориш;

-мулоқот натижаларини баҳолаш ва уларни ифодаланган воситалар билан таққослаш.

Педагогик фаолият ва педагогик мулоқот характери ўқитувчи шахси, унинг қарашлари нуқтаи назарларида хулқида намоён бўладиган ғоявий сиёсий савияси, профессионал тайёргарлиги ва билишга интилиши билан ўзвий боғлиқ.

Бу асосий ҳислатлардан ташқари ўқитувчининг умумий ва бошқа қобилияти, унинг мойиллиги характери, муваққат психик ҳолатлари шунингдек тўпланган тажрибаси муҳимдир. ўқитувчи шахсини характерлаш учун фаолиятнинг индивидуал услуби каби йиғма кўрсаткичлар, жумладан индивидуал фаолият услубидан ҳам фойдаланадилар. Ижодиёт: актив социал тутилган йўл вазият етук шахс ҳар доим бундан кейинги ривожланиши учун курашади, бу ҳол ўқитувчига ҳам тааллуқли. Шахснинг профессионал жиҳатини ўз-ўзини тарбиялаш йўлларида бири ўзининг сифат ва ҳислатларини, шунингдек педагогик фаолият ва мулоқотларининг барқарор хусусиятларига, ўқитувчининг таълим олганлиги ва тарбияланганлигидаги эришилган натижаларини таҳлил қилишга доир машқларда намоён бўлади.

### ***Назорат саволлари:***

1. “Тарбия” деб нимага айтилади?
2. Шарқона тарбия деганда нимани тушунаси?
3. ўқитувчининг ўқувчилар билан ўзаро яқин мулоқатидан асосий мақсад нима?

### *3-Мавзу : Педагогик маҳоратни шакллантиришнинг асосий тамойиллари.*

#### **Режа:**

1. Педагогик маҳоратни ташкил этувчи компонентлар.
2. Педагогик маҳоратнинг асосий таркибий қисмлари.
3. Педагогик маҳоратни эгаллаш воситалари.

Педагогик маҳоратнинг асоси **педагогик билимдонлик**дир.

Педагогик билимдонлик деганда конкрет тарихий даврда қабул қилинган меъёрлар (нормалар), стандартлар ва талабларга мувофиқ педагогик вазифани бажаришга қобиллик ва тайёрлик билан белгиланадиган интеграл касбий-шахсий тавсифнома тушунилади.

Педагогик билимдонлик педагогик соҳада маҳорат билан ишлаётган кишининг таълим ва тарбия ишида инсоният тўплаган барча тажрибалардан рационал фойдаланиш қобилиятини кўзда тутар экан, демак, у етарли даражада педагогик фаолият ва муносабатларнинг мақсадга мувофиқ усуллари ва шакллари эгаллаши лозим бўлади.

Касбий-педагогик билимдонликнинг бош кўрсаткичи бу инсонга, шахсга йўналганликдир.

**Касбий-педагогик билимдонлик** педагогик воқеликни изчил идрок эта билиш ва унда изчил ҳаракат қила олиш малакасини қамраб олади. Бу хислат педагогик жараён мантиғининг яхлитлигича ва бутун тузилмаси билан биргаликда кўра олиш, педагогик тизимнинг ривожланиш қонуниятлари ва йўналишларини тушуниш имкониятини таъминлайди, мақсадга мувофиқ фаолиятни конструкциялашни осонлаштиради.

Билимдонлик ўқитувчи учун ўта муҳим бўлган учта ҳолат билан боғланган замонавий педагогик технологияларни эгаллашни тақозо этади:

- *одамлар билан ўзаро алоқада бўлишда, маданий мулоқотда бўлиш;*
- *фани соҳаси бўйича ахборотларни қабул қила билиш ва уни ўқитиш мазмунига мослаб қайта ишлаш ва ундан мустақил таҳсил олишда фойдалана олиш;*
- *ўқув ахборотларини бошқаларга бера олиш.*

Билимдонлик фақат фаолият жараёнида ва фақат конкрет касб доирасида намоён бўлади ва баҳоланади.

Педагогик муҳитда ўқитувчи фаолиятини баҳолашда, одатда, «**педагогик маданият**» термини қўлланади.

Педагогик маданият касбий фаолиятнинг индивидуал мазмуни билан боғланади.

Педагогик билимдонлик ўқитувчининг юксак натижаларга эришишини таъминлайди.

Педагогик маданият фаолият ва муносабатларга эстетик шакл беради.

Педагогик фаолият педагогик маданият тушунчаси таҳлили омили бўлиб хизмат қилади.



Дарс жараёнида ўқувчилар билим фаолиятини бошқариш бир неча омилларга боғлиқ. Уларнинг энг асосийларидан бири ўқувчиларни ўз фанига қизиқтира олишдир. Олимлар таъкидлаганидек, фақат қизиқишгина психик жараёнлар ва уларнинг идрок, диққат, хотира, тафаккур ва ирода каби функсияларига ижобий таъсир кўрсатади.

Таълим-тарбия жараёнида ўқувчининг билишга оид қизиқишлари кўп қиррали қиёфаларда намоён бўлади: ўқувчини ҳаракатчан ва қизиқувчанлиги, ўқувчининг айрим ўқув фаолиятига шунингдек, умуман уқишга бўлган мотивлари, ўқувчи шахсининг ўзига хос белгилари ва унинг ёналишини қарор топиши ана шулар жумласидандир.

Ўқувчи ёш даврига хос табиий фаоллиги, бирор бир ақлий қизиқиш билан қамраб олинмаса, уни қайси томон бошлаб кетишини олдиндан айтиш қийин. Шунинг учун ҳам К. Д. Ушинский "зўрлаш ва мажбурлашга асосланган уқитиш" ўқувчининг ақлий ривожланишига ҳеч қандай таъсир кўрсатмаслигини алоҳида таъкидлаб ўтган эди. Шуни таъкидлаш лозимки, қизиқишлар ва мотивлар ўқувчилар ўқув фаолиятларининг шаклланиш даражасига қараб шахсининг шакллантирувчи (ўқувчининг назарий фикри, уқиш фаолиятини ўқувчи шахси учун аҳамияти) дастлабки омиллар билан ўзаро мураккаб муносабатларда намоён бўлади.

Хўш, ўқувчиларнинг уқишга (билишга) бўлган қизиқишларини шакллантириш шартлари қандай? Моҳир ўқитувчи уларни дарсда ўқувчиларда шакллантириш учун нима қилиши керак? Ўқув фаолиятини фаоллаштириш ва уқишга бўлган қизиқишларни доимо ривожлантириб бориш учун нима қилиш керак?

Моҳир ўқитувчи ўқувчиларда уқишга бўлган қизиқишларни шакллантириш ва доимо ривожлантириб бориш учун қуйидагиларга амал қилиши муҳимдир:

1. Ўқувчиларни билишга интилишини, фанга умуман олганда ақлий меҳнатга қизиқишларини ривожлантириш ўқув жараёнини шундай ташқил этилишини таъминлайдики, унда ўқувчи фаол ҳаракат қилади, мусақил изланиш ва янги омилларни "кашф этиш"га, муаммоли вазиятларни ўзи ҳал этишга интилади.

2. Ўқув фаолияти бошқа фаолиятлар каби фақат турлича бўлгандагина, қизиқарли бўлади. Бир хил усулда ахборот бериш ва бир хил усулдаги ҳаракатлар тез орада зерикишни вужудга келтиради.

3. Фанга бўлган қизиқишни шакллантиришда бу фанни ва унинг айрим қисмларини ўрганишнинг зарурлиги, муҳимлиги ва мақсадга мувофиқлигини ўқувчиларга аёнлаштириш жуда зарурдир.

4. Ўқитилган материал олдинги материал билан қанчалик кўпроқ боғлаб тушунтирилса, у ўқувчиларга шунчалик қизиқарлироқ туюлади. Ўқув материалини ўқувчиларни қизиқтирадиган нарсалар билан боғлаб тушунтириш ҳам, уларни дарсга қизиқтиришда муҳим рол ўйнайди.

5. Ўртача қийинликдаги ўқув материали ҳам ўқувчиларда қизиқиш уйғотмайди. Ўқув материали бир оз қийинроқ, лекин ўқувчилар кучи етадиган бўлиши керак.

6. Ўқувчилар бажарган ишларни тез-тез текшириш ҳам уларни фанга бўлган

қизиқишини уйғотади.

7. Ўқув материалининг аниқлиги, ҳиссиётга бойлиги, ўқитувчининг завқланиб гапириши ҳам ўқувчига, уни фанга бўлган қизиқишини ортишига жуда катта таъсир кўрсатади.

Илғор ўқитувчилар уқитиш методларини танлашга алоҳида эътибор берадилар. Ўқувчиларнинг фронтал, дифференциялашган ва яқка тартибдаги фаолиятлиларининг умумий жиҳатлари кўпроқ бўлсада, уларни ташқил этиш ўқитувчидан ўзига хос ижодий ёндошишни талаб қилади. Ўқувчилик фаолиятининг объектини таркиби ва ўзига хослиги унинг ҳар бир аниқ вазиятга ижодий ёндошишини тақозо қилади. Агар бутун синф, гуруҳ ва алоҳида шахсга нисбатан бир хил метод билан таъсир кўрсатилар экан, унда тарбияси ҳам, ижодий ёндошиш ҳам барбод бўлади.

Айрим ҳолларда ўқишга қизиқтирувчи методлардан, бошқа ҳолларда эса бурч ва жавобгарликни ҳис этишни рағбатлантирувчи методларга кўпроқ эътибор бериш тавсия этилади. Тажрибали ўқитувчилар ўтилаётган мавзунини халқ хўжалиги масалаларини ҳал этишдаги аҳамиятига оид қизиқарли мисоллар келтирадилар, дидактик ўйинлардан, ўқувчилар фаоллигини рағбатлантирувчи турли усуллардан фойдаланадилар. Лекин ўқувчи фаолиятида ҳамма нарсани равшан ва қизиқарли ҳолда тасаввур этиш қийин. Шунинг учун ҳам ўқитувчи ўқувчиларда пайдо бўладиган қийинчиликларни енгиш учун ўзига ирода ва қатъийликни ҳам таркиб топшириши зарур.

Моҳир педагоглар маъруза, семинар, мунозара, конференция, ўқув саёҳати, ўқувчи-маслаҳатчилар ёрдамида мустақил дарс, кўрик-конкурс каби дарс турларидан фойдаланишга алоҳида эътибор берадилар.

Ўқитувчининг моҳирлиги юқорида қайд қилинган ноанъанавий дарс турларини ўтиш техникасининг эгаллашида намоён бўлади.

Ўқувчилар тафаккурини ривожлантиришда маъруза дарсларнинг аҳамияти каттадир. Тажрибанинг кўрсатишича, маърузани бошлашдан олдин бу материални ўрганишда кўзланган аниқ мақсадни таъкидлаш лозим. Сўнгра билимларни эгаллаш ғояни исботлаш, оқилна ҳаракат усулларини танлаш принципларни кўрсатиш зарур. Шундан сўнггина мавзунини моҳиятини очиб берилади.

Ўз ишига ижодий ёндошадиган ўқитувчилар маъруза давомида диалог, савол-жавоб, қайтариш, зиддиятли вазиятлар, ўхшатишлар ва бошқа фаолият турларидан унумли фойдаланадилар.

Ўқувчиларга янги билимларни ва қонуниятларни кашф этиш билан боғлиқ бўлган ақлий фаолиятни ривожлантиришда семинар дарслар муҳим аҳамият касб этади. Илғор ўқитувчилар тажрибаларида таъкидланганидек, семинар дарсда энг қолоқ ўқувчи ҳам бошқа турдаги дарсда уддалай олмайдиган миқдордаги ақлий иш бажарар экан. Машғулотлар одатдагидан ташқари ноанъанавий усулларда олиб борилади. Баъзан у мунозара ёки суҳбат шаклида бўлиши мумкин. Лекин ўқув материали аниқ ва ишонарли қилиб баён этилади.

Илғор ўқитувчилар иш тажрибасида мунозара дарслар ҳам муҳим ўрин эгаллаб келмоқда. Ўқитувчиларни таъкидлашларича, мунозара дарсларни ўтиш жуда катта моҳирликни талаб этади. Бунда энг аввало ўқувчилар фикрларини

таққослаш ва уларнинг фикрларидаги карама-қаршиликларни аниқлаш муҳимдир. Лекин дарснинг бу турини ҳар доим қўллаш мақсадга мувофиқ эмас, чунки биринчидан, ҳамма мавзулар ҳам мунозарабоп эмас, иккинчидан мунозарага тайёргарлик кўриш ўқитувчидан жуда кўп вақт талаб қилади.

Табиат кўйнида ёки ишлаб чиқариш шароитида ўтиладиган дарслар ҳам ўқувчиларни фанга бўлган қизиқишларини ортишида муҳим роль ўйнайди

Дарснинг ноанъанавий шаклларида бири кўрик-конкурс дарсидир. Бунда синф (гурух) ўқувчилари 3-4 тадан гуруҳларга бўлиниб, мавзунини мустақил ўзлаштириб дарсни ўзлари баён қиладилар. Дарснинг бу тури мусобақа шаклида ўтказилгани учун ҳар бир ўқувчи унга сидқидилдан астойдил тайёргарлик кўришга интилади. Баҳолашда ҳам гуруҳдаги барча ўқувчилар иштирок этадилар. Бунда дарснинг мазмуни, методик таъминоти, материални тушунтиришни ўзига хослигига алоҳида эътибор берилади. Ўқувчиларни гуруҳчаларга бўлиниб ишлашлари эса уларни жамоада ҳамкорлик билан ишлашга, ўзаро ёрдам беришга ўргатади.

Муаммоли ўқитиш бунёдкор ва илғор ўқитувчиларнинг тажрибасиз ўқитувчидан тубдан фарқ қилувчи томонлари қуйидагилардан иборат: Тажрибаси бўлмаган ўқитувчилар дарсда ўқувчиларга асосан билимларни тайёр ҳолда берадилар. Бундай ўқитувчилар дарсда кўпроқ ўқув материалини ўқитувчи тушунтиришидан ёки дарсликдан ўқувчиларнинг ёд олишига ҳаракат қиладилар. Баъзи ўқитувчилар эса "ҳаммабоп" комбинациялишган дарсга ўта берилиб кетадилар ва бир хил андоза бўйича ишлайдилар. Албатта, бу ўқитишдаги муаммони излаб топиш ва муаммоли вазиятлар яратишдан осон. Баъзи ўқитувчилар эса ривожлантирувчи таълим моҳиятини тўла-тўқис тушуниб ета олмайдилар. Улар етарли даража дидактик ва умумпедагогик маълумотларга эга эмаслар. Натижада муаммоли ўқитишни жорий этишда муваффақиятсизликка учрайдилар.

М. И. Махмутов таъкидлаганидек, ҳозирги замон ўқитувчилари учун муаммоли методни жорий этиш қийинчилик туғдиради, чунки «ўқув дастурлари ва дарсликлар» анъанавий педагогик тафаккур асосида, эскириб қолган дидактика ва методикага асосланган. Ўқув материалини баён этиш мантиғи эса уни батафсил (ипидан-игнасиғача) тушунтиришни талаб қилади ва ўқувчиларнинг мустақил ижодий фаолиятларига деярли эътибор берилмайди.

Моҳир ўқувчилар, ўз ишининг усталари учун эса ўқувчилар билан демократик услубда мулоқот қилиш ва ўқувчиларнинг ижодий тафаккурларини ривожлантирувчи муаммоли методлар системасини қўллаш характерлидир. Улар билимларни ўзлаштиришни барча босқичларида муаммоли вазият яратишга эришадилар. Улар ўқувчиларнинг формула ва қонунларни, сон-саноксиз рақамлар ва исмларни, юзлаб қоида ва таърифларни сохта ёд олишларини, уларнинг хотираларини ҳаётда керак бўлмайдиган нарсалар билан тўлдириб банд қилишни қоралайдилар.

Моҳир ўқитувчи дарс ўтиш методикасини доимо такомиллаштириб боради. Муаммони қўяр экан ўқувчини уни ҳал қилишидаги ички зиддиятларни, овоз чиқариб мулоҳаза юритади, ўз фикрларини баён қилади ва уларни муҳокамага қўяди. Содир бўладиган эътирозларни олдиндан бартараф қилади, ҳақиқатни

тажрибада (уни намойиш қилиб ёки олимлар ўтказган тажрибалар асосида) исботлайди. Ўқитувчи ўқувчилар олдида илмий тафаккур юритиш йўллари намойиш қилади. Ўқувчиларни илмий изланиш ёрдамида ҳақиқат томон йўллайди, уларни бунда иштирокчи бўлишларини таъминлайди.

Бунёдкор ўқитувчилар муаммоли ўқитишга алоҳида эътибор берадилар. Масалан, В. Ф. Шаталов ўқувчиларга жуда кўп масалалар ечтиради ва назарий билимларни амалда қўллаш малакаларини шакллантиради. Агар ўқитувчининг тушунтириши, қўлланиладиган таянч сигналлар, схемалар ва конспектлар уларни хотираларини ривожлантирса, масалалар ечиш эса уларнинг тафаккурини ўстиради, математик мантиқий фикрлаш эса мустақил фаолиятда таркиб топтирилади. Ўқувчиларнинг ижодий тафаккурини ривожлантиришда таянч сигналлар тузиш, "очиқ фикрлар дарслари", олимпиадада иштирок этишлари муҳим аҳамиятга эга бўлади.

Бунёдкор ўқитувчилар фикрича муаммоли ўқитиш ўқувчиларнинг дарсдаги фаоллигини, уларни эркин фикрлашларини таъминлайди. Илғор ўқитувчилар ўқув материални блоклар бўйича бериш, умумийликдан хусусийликка, қонунлардан ҳодисаларга томон юналишга асосланган принциплардан оқилона фойдаланадилар. Шундай қилиб, бунёдкор ўқитувчилар муаммоли вазият амалиётини янги бир поғонага кўтарадилар. Уларнинг тажрибалари замонавий дарсга ёндашиши, уни ташкил этишни янгича тушунишга асос яратди. Бу бевосита муаммоли ривожлантирувчи ўқитишга бевосита боғлиқдир.

#### Ижодий ҳарактерга эга бўлган масалалар.

Моҳир ўқитувчи дарси-бу педагогик ва ўқувчининг ҳамкорлигидаги меҳнати, маданий тафаккур лабораториясидир. Бундай дарс ўқувчиларда қизиқиш, синчковлик, билимга оид эҳтиёжлари намоён бўлади. Ўқувчилар савол берадилар ва улар ўзлари жавоб излайдилар, тафаккурларини ишлатадилар, ўқишдаги ўзларининг кучларига мос бўлган қийинчиликларни енгишга ўрганадилар.

Анъанавий дарсда одатдагидек, ўқитувчи савол беради, ўқувчилар эса фақат дарсликларга асосланган ҳолда жавоб берадилар. Шунинг учун ҳам гўёки ҳақиқат ўқитувчилар ва дарслик муаллифлари томонидан кашф этиб қўйилгандек туюлади. Яна нимани излаш керак? Бу излаш нима учун керак? Ҳақиқат аниқланган, фақат уни идрок қилиш, ёдда сақлаш ва сўзлаб бериш зарур холоску. Бундай тушунча дарсларда зеркиш, дангасалик ва оқибатда маънавиятсизликка олиб келади.

Ўқувчиларни фаоллигини ва изланувчанлигини муаммоли ўқитишни амалга оширишда моҳир ўқитувчилар ўқувчиларга бериладиган савол ва топшириқлар системасини ўйлаб топадилар. Улар тўзган саволлар лўнда, қисқа ва аниқ бўлади. Улар ўқувчиларни қизиқувчанлигини ва мустақил фикрлаш қобилиятларини режалаштириб қолмай, балки уларни ижодий қобилиятларини ҳам ривожлантирадилар. Уларни тартиб қоидага риоя қилишларига, ихчам бўлиш руҳида ҳам тарбиялайдилар. Лекин шунини таъкидлаш лозимки, илмий изланишлар кўрсатганидек, ёш ўқитувчиларни ўқувчиларга берган саволларининг 80 фоизи фикрлашни талаб этмайди. "Буни номи нима?", "Бу қайси йилда бўлган эди?", "Сифатни таърифини айт!" ва бошқалар ана шундай

самарасиз саволларга мисол бўла олади. Албатта, механик хотирани ишлатиш, уни ривожлантириш зарур, лекин шу билан бирга ўқувчиларнинг билишдаги фаоллигини, тафаккури ва диққатини ҳамда ривожлантириш зарурлигини ҳам ёддан чиқармаслик керак. Ўқувчиларга бериладиган саволлар қарама-қарши, исбот талаб қилувчи фикрларга бой, мавжуд билимлардан, фақат муайян ҳолатда зарурини танлаб ишлатиши, таъминлайдиган билимларни амалда қўлланилиши лозим.

**Дарснинг сифати.** Кўзланган вазифаларнинг бажарилишини баҳолаш натижасида ўқувчиларнинг билим, кўникма ва малакаларини эгаллаш даражаси аниқланади. Агар эришилган натижа ўқувчининг энг юқори имкониятлари даражасида бўлса, кўзланган мақсадга эришилганлик самараси ва сифати энг мақбўл деб ҳисобланади.

Дарснинг сифат кўрсаткичларини аниқлаш ўқитувчи учун моҳирлик усаҳонаси, машғулоти ташкил этишнинг энг самарали шакл ва методларидан онгли равишда фойдаланиш шартли бўлиб ҳисобланади. У дарсда нималарга эришди, нималарга эриша олмади, муваффақиятсизликни сабаби нима ва уни бартараф қилиш йўллари қандай, педагогик маҳоратни янада такомиллаштириш учун нималарга кўпроқ эътибор бериш кераклиги ҳақида яққол тасаввур ҳосил қилади.

Дарс сифатини анъанавий усулда: сўраш, тушунтириш-мустаҳкамлаш ва уй вазифаси схемасида аниқлаш ҳам мумкин. М. И. Махмутов бундан фарқли ҳолда замонавий дарс сифатини "кенг" ва "тор" мазмунда, дидактик категория ва таркибий тузилиши қисмлари бўйича таҳлил қилиниши лозимлигини таъкидлайди.

Дарсни дидактик категориялар бўйича таҳлил қилиш қуйидагиларга аниқлик киритишни аниқлатади:

- Дарс дидактик принциплар ва ўқув тарбиявий жараёни ташкил этиш талабларига жавоб бердимиз?

- Умуман олганда, дарс таркибий тузилиши ва шу жумладан, унинг ички ва ташқи таркибий тузилишлари қандай бўлди?

- Ўқитиш методларини кўргазмалилик ва УТБдан фойдаланиш билан биргаликда қўллаш дарснинг дидактик мақсадларига мувофиқ бўлдимиз, бу ўқувчиларнинг мустақил ишлари, таълим ва тарбияни биргаликда юқори даражада амалга оширишни таъминлай олдими?

- Дарсда ўқувчилар фаолиятини яққа тартибда ва дифференциаллашган ҳолда ташкил этиш, дарсни ҳаёт билан боғлаб олиб борилганлиги нима билан ҳарактерланади?

Дарсни таркибий тузилиши қисмлари бўйича таҳлил қилиш қуйидагиларни аниқлайди: янги тушунча ва ҳаракат усулларини шаклланиши, кўникма ва малакаларни шакллантириш, дарсни қайси қисми ўқувчилар тарбиясига кўпроқ таъсир этди. Буларнинг ҳаммаси дарснинг сифат кўрсаткичларини белгилайди.

Шундай қилиб, ўқитувчининг дарсга тайёргарлик кўриши ва уни ўтказишдаги маҳорати ўта мураккаб, Лекин ўз ишига ижодий ёндашган ҳар бир ўқитувчи уддалай оладиган вазифадир

Ўқитувчиларнинг усулларини қўллаш тўғрисида кўп гапириш мумкин.

Шуни айтиш кераки ўқитувчи ўрганилмоқчи бўлган мавзунинг дастурини ишлаб чиқади ва дарснинг дидактик масалаларини ва дидактик мақсадни аниқлайди. Моҳир педагоглар олдиндан дарсда ечиш бўлган конкрет педагогик масалаларни ўйлайди. Ҳар бир дарс олдида мақсад шундан иборатки биринчиси: тарбиявий, маълумотли ва ривожлантириш мақсадларини кўяди. Тарбиявий масалалар шундан иборатки, улар дунёқараш шаклланади, иқтисодий-сиёсий воқеалар билан таништирилади, уларда ватанпарварлик байналминалчилик ғоялар шакллантирилиши керак. Илмий билимларни қуроллантиради. Аниқловчи вазифа шундан иборатки, унда ўқувчилар жадвал, дарс ишланма, ўрганилган режани аниқ ўзига керакли бўлган нарсани ажрата олади. Дарснинг автори эса ўқитувчи ҳисобланади. Дарсни қандай ўтишни олдиндан белгилайди. Ўйлаган нарсалари қуйидаги элементлардан ташкил топади.

1. Давлат дастури томонидан белгиланган мавзунни тайёрлайди.
2. Уни ҳозирги замон билан боғлаш.
3. Олдинги материалдан келиб чиқиб янгисини боғлайди.

Дарсда ўқитувчи билан ўқувчининг ўзаро муносабот жараёни шахсий алоқага асосланган. Ўқитувчи дарсда истесносиз барча ўқувчиларнинг фаолиятларини йўллайди ва контрол қилади, шунингдек ўқувчиларнинг ўзлари орасидаги ўзаро алоқа ва ўзаро назоратни қўллаб қувватлайди. Ўқитувчининг дарсдаги иши барча ўқувчиларнинг дарснинг ўзидаёқ ўрганилаётган билим асосларини ҳосил қилишлари учун замин яратади. Энг яхши ўқитувчиларнинг тажрибаларини умумлаштириш ва педагогика фанининг ютуқлари дарсга қўйиладиган дидактик талабларни белгилаш имконини беради.

1. Дарснинг асосий дидактик вазифалари ва асосий элементларининг аниқлиги ва муқаррарлиги.

2. Таълимий ва тарбиявий вазифаларнинг бирлиги.

3. Ўқитишнинг бутун дарс ва уни ҳар бир қисми вазифалари ҳамда мазмунига мувофиқ келадиган, ўқувчиларнинг билиш активлиги ва мустақил фаолиятларини таъминлайдиган энг рационал усулларни танлаш. Дарсда ҳилма-хил ўқитиш методлардан фойдаланиш ўқувчиларга ҳар томонлама таъсир кўрсатиш уларда дарсга қизиқишни ошириш, уларнинг активлиги ва мустақиллигини рағбатлантириш имконини беради.

4. Машғулотларнинг турли формалари: умум синф, гуруҳли ва индивидуал фаолиятнинг активлигини ўқитувчининг раҳбарлик роли билан бирга қўшиб олиб бориш.

5. Ўқувчилар билиш фаолиятининг активлигини ўқитувчининг раҳбарлик роли билан қўшиб олиб бориш.

6. Дарснинг олдинги ва кейинги дарслар билан боғланиши.

7. Ўқувчиларнинг ёш хусусиятини ҳисобга олиш.

8. Дарсда ўқувчиларни ўқитиш ва тарбиялаш учун қулай шароитлар яратиш.

Дарснинг мазмуни, тизими ва ўқитиш методларининг танланиши кўп жиҳатдан ўқувчиларнинг ёш хусусиятлари билан белгиланади. Ўқувчилар қанча ёш бўлса, улар шунчалик кам ҳажмдаги материалларни ўзлаштиришлари

мумкин бўлиб, дарснинг тузилиши ва янги методларининг танланиши шунчалик хилма-хил бўлади. Кичик ёшдаги ўқувчиларнинг диққати етарлича барқарор эмас, идроки етарлича мақсадга йўлланган эмас, тафаккурлари маълум даражада аниқ иродавий кўринишлари барқарор эмас. Шунинг учун ўқитувчиларни хилма-хил фаолият турларига жалб этиш, кўрғазмаликдан кенг фойдаланиш, ўйин элементларини киритиш, янги материални ўрганиш ва ўтилганларни мустаҳкамлаш учун оптимал меъёрни аниқлаш, бўларнинг барчаси мазмунини ва тузилишига ўз таъсирини кўрсатади. Катта ёшли ўқувчилар билан олиб бериладиган дарсларгина анча бир типли, улар лекция, контрол сўраш, лаборатория ишлари кўринишида бўлиши мумкин.

Мазкур талаб дарсда фақат гигиеник талабларнинг яратилишини эмас, балки таълим-тарбия жараёнини ўтказиш учун қулай психологик муҳитнинг яратилишини ҳам назарда тутаяди. Бу кўп жиҳатдан синф коллективининг хусусиятларига боғлиқ бўлади. Синф айрим ўқувчиларнинг ўз кучларига ишончларини ошириш ёки пасайтириши мумкин. Агар синф у ёки бу ўқувчининг фикрларига, ҳаракатларига доимо танқидли ёндошса ўқитувчи эса унча эътиборсиз қараса, бу ўқувчи оқибатда ўз нуқсонларига қатъий ишонч ҳосил қилади ва дарсда доимо пассив бўлади. Шу билан бирга синф айрим ўқувчиларни иш сифатини оширишга ундаб, уларнинг фаолиятига ижобий таъсир кўрсатиш мумкин. аммо синф коллективига айрим ўқувчиларга нисбатан нотўғри йўналиш қарор топган бўлса ўқув жараёнини ўқитувчи етарлича пухта ўйламай ташкил этса, синф томондан таъсир бўлмайди. Ўқитувчининг вазифаларидан бири гуруҳли жараёнини бошқариш ҳамда дарсда таълим-тарбиянинг самарадорлигини оширишга ёрдам берадиган қулай муҳитни яратишдир. Барча дидактик талаблар тўлиқ даражада яхши натижалар беради. Дидактик вазифа ва структурага кўра дарслар қуйидаги типларга бўлинади;

1. Комбинацион дарслар;
2. Янги материални ўрганиш дарслари;
3. Билим, кўникма, малакаларни мустаҳкамлаш дарслари;
4. Машқлар ва амалий ишлар дарси;
5. Умумлаштирувчи такрорлаш дарслари;
6. Лаборатория дарслари;
7. Ўқувчилар билимини назорат қилиш, текшириш ва баҳолаш дарслари.

Дарс типи умумий ўқув вазифалари ва структура билан характерланади. Дарснинг типи ва структурасини аниқлашда, одатда қуйидаги етакчи вазифаларга асосланилади; янги материални ўрганиш; билимлари мустаҳкамлаш; Ўрганилганларни умумлаштириш ва системалаштириш; билиш вазифалари ва амалий вазифаларни ҳал қилишда билим, кўникма ва малакаларни текшириш; билимларни мустаҳкамлаш билан бирлаштирилган янги материални ўрганиш. Махсус педагогик тадқиқотлар, ўқитувчилар ижодли тажрибалари дарслар тузилишдаги қатъий стереотип ўқитишнинг анча ошган вазифаларига жавоб бермаслигини ўқитувчининг ташаббусини буғишини кўрсатади. Замонавий дарсга қўйилаётган юксак талаблар ўқитувчи ҳар бир дарсга пухта тайёрланишининг сабаби ўқувчилар составининг ўзгараётганлиги, иш шароитларининг ҳам ўзгараётганлиги, иш шароитларининг ҳам ўзи янги

адабиётнинг пайдо бўлаётганлиги, ўқув планлари программаларига тузатишлар киритилаётганлиги, ҳаёт уқитишнинг форма ва методларини такомиллаштиришни талаб қиладиган янги вазифалар қўйилаётганлигидадир. Аммо ўқитувчининг ҳар бир алоҳида дарс тайёрлаиши унинг ўқув ишига тайёрланиш системасининг бир қисми холос. Бу тизим:

1. Ўқитувчининг ўз предмети буйича бутун курс юзасидан тайёрланиши.
2. Ўқув программасининг ҳар бир темасига тайёрланиш.
3. Ҳар бир дарсга тайёрланишни ўз ичига олади.

Бутун курс юзасидан тайёргарлик янги илмий ишлар янги методик материаллар билан танишишни, программа ва дарсликларни ўрганишни, ярим йил ёки чоракка планлаштирувчи ҳужжатлар тузишни назарда тутати. Ҳар бир темага тайёрланиш ўқитувчини яна программага, тема юзасидан қўшимча материалларга, ҳар бир теманинг асосий масалаларини аниқлашга, уқитиш методларини танлашга ва керакли методик воситаларни кўргазмали қуроллар, жиҳозлар, прибор, инвентар ва ҳоказоларни тайёрлашга мажбур этади. Бу масалаларнинг барчаси мавзу буйича дарсликлар тизимини ўз ичига олувчи мавзу режа жадвал акс эттирилади.

Бундай перспектив режалаштириш дидактик мақсадлар изчиллигини аниқлаш, мазмундаги етакчи ғояларни фаолиятининг асосий турларини ажратиш предметлараро алоқаларни ажралиб олиш дарснинг асосий жиҳозни ўйлаб чиқиш, натижаларини ташхис қилиш имконини беради. Ҳар бир алоҳида дарсга тайёрланишга ўқитувчи қуйидаги ишларни амалга оширади; мавзунини аниқлайди ва дарс вазифаларини аниқлаштиради; ўқув материалини мазмунини ажратади ва уни дидактик жиҳатдан ишлаб чиқади. Етакчи ғоя, тушунча, қонуният, факт, амалий маълумотларни ажратади; илгари ўрганилган билан боғланишни, мазмунни жойлаштириш мантиқан назарда тутати; ўқувчиларнинг ўқув билими фаолиятлари характерини аниқлайди яъни қандай кўникма ва малакалар шаклланиши репродуктив ва изланиш фаолиятини мустақил иш ва ўқитувчининг роли ўртасидаги нисбат қандай бўлишни ўйлаб кўяди. Шу формаларни ишлаб чиқади, дарс қисмларини ажратади; уқитиш методлари: масала, машқ муаммоли саволлар, топшириқ дастурлаштириш элементларини танлайди ва аниқлайди. Ўқитишнинг техник воситаларини танлайди ва текширади; бутун дарс жараёнини режалаштиради. Дарс режасида, одатда сана ва дарс рақами, унинг мавзуси, вазифалари мазмунининг асосий масалалари, ўқитувчи ва ўқувчининг фаолият турлари, ўқитиш методлари ва воситалари сўраладиган ўқувчининг фамилияси индивидуал топшириқлар, уйга вазифа кўрсатилади. Аммо дарс режаларининг структураси ва ҳажми ўқитувчининг малакаси ҳамда тажрибасидан келиб чиқиб тузилиши керак. Масалан, ўқитувчиликни янги бошланаётганлиги дарснинг вазифалари, ҳар бир қисмининг мазмуни кўрсатилган муфассал режага эга бўлиш фойдалидир. Ўқитувчининг тажрибаси ортиб боришга қараб режа қисқариб бориши ҳам мумкин. Яхши тайёрланган дарсни яна уюшган ҳолда аниқ ва самарали ўтказиб билиш ҳам керак. Бунда қуйидаги қонунларга амал қилиши лозим;

1) Дарсни аниқ ва уюшган ҳолда бошлаш бунинг учун эса дарсга ҳамма нарса олдиндан тайёрлашган бўлиши керак.



2) Ўқувчилар эътиборини дарс мазмунига қарата билиш ва уни бутун дарс давомида ўқувчиларнинг билиш фаолиятларини фоаллаштириб сақлай билиш, дарсга қизиқишни қўллаб-қувватлаш, ўқувчилар олдида вазифалар қўйиш, уларни доимо жавоб беришга тайёр ҳолда сақлаш, дарсдаги ишларни хилма-хиллаш ҳаммани кўриб, ҳамма нарсани сўраб туриш.

3) Дарсда вақтдан оқилона фойдаланиш: ўқув жиҳозларини олдиндан тайёрлаш, уларни тўғри жойлаштириш, топшириқларнинг эришиш, ўқувчилар эътиборини чалғитувчи моментларга йўл қўймаслик.

4) Ўз хатти-ҳаракатини кузатиш. ғоявий эътиқод, юксак ахлоқийлик ва маданият, гапириш ва талаб қилиш рағбатлантириш, ўқувчиларга мурожаат қилиш услуби – буларнинг барчаси ўқитувчи фаолиятининг услубини белгилайди, ҳамда ўқувчиларнинг зўр бериб ишлаши ёки ўта эмоционал кўзғалувчанлигини истесно қилади.

5) Дарсда тадбиркорлик намоёиш қилиш юзага келган шароитини ёки дарсни ўтказиш шароитларидаги ўзгаришларни ҳисобга олиш керак.

Ҳозирги дарс уни рационаллаштириш, кўпчилик ўқувчиларни актив ишлардн истесно қилувчи фаолият турлари ажратиладиган вақтни қискартириш, билимларни контрол қилиш ва мустаҳкамлаш функцияларини бирлаштириш мустақил иш, ижодий характердаги топишлар, ҳажмини ошириш, муаммоли изланиш методларидан, ўқитишнинг техник воситалари дастурлаштириш элементларидан оқилона фойдаланиш йўлидан такомиллашиб бормоқда. Дарс ўқув ишини ташкил қилишнинг асосий формаси, аммо у коллеждаги бошқа формалар; амалиёт, лаборатория машғулотлари, семинарлар, уй вазифалари, кўшимча машғулотлар, меҳнат ва ишлаб чиқариш таълими формаларидан фойдаланишни ҳамда уларни ривожлантиришни истесно қилмайди. Ўқитиш формаларини хилма-хиллаш зарурлиги ҳақида “Умумий таълим ва мактабини ислоҳ қилишнинг асосий йўналишлари”да ҳам айтиб ўтилади.

“Ўқитиш форма, метод ва воситаларни такомиллаштирилсин. Дарс- ўқув жараёнинг асосий формаси билан бир қаторда барча юқори синфлар, хунар техника билим юртлари ва ўрта - махсус ўқув юртларида лекция семинар машғулотлари, консултатцияларидан кенг фойдаланиш лозим”

#### ***Назорат саволлари:***

1. “Педагогик маҳорат”га таъриф беринг?
2. Педагогик маҳоратни шакллантирувчи омиллар?
3. “Педагогик маҳорат” фанинг вазифалари нималардан иборат?
4. Педагогик маҳоратнинг таркибий қисмлари нималардан иборат?

#### ***4-Мавзу: Ўқитувчи маҳоратини такомиллаштириш йўллари ва шарт-шароитлари.***

##### ***Режа:***

1. Ўқитувчининг таълим жараёнидаги маҳоратини ошириш йўллари.
2. Ўқитувчининг тарбиячи сифатидаги маҳорати.
3. Ўқитувчининг ўқитувчининг маҳоратини оширишда замонавий ахборот технологияларининг аҳамияти.

## **1. Ўқитувчининг таълим жараёнидаги маҳоратини ошириш йўллари.**

Педагогик маҳоратнинг асоси **педагогик билимдонлик**дир.

Педагогик билимдонлик деганда аниқ тарихий даврда қабул қилинган меъёрлар (нормалар), стандартлар ва талабларга мувофиқ педагогик вазифани бажаришга қобиллик ва тайёрлик билан белгиланадиган интеграл касбий-шахсий тавсифнома тушунилади.

Педагогик билимдонлик педагогик соҳада маҳорат билан ишлаётган кишининг таълим ва тарбия ишида инсоният тўплаган барча тажрибалардан рационал фойдаланиш қобилиятини кўзда тутар экан, демак, у етарли даражада педагогик фаолият ва муносабатларнинг мақсадга мувофиқ усуллари ва шакллари эгаллаши лозим бўлади.

Касбий-педагогик билимдонликнинг бош кўрсаткичи бу инсонга, шахсга йўналганликдир.

**Касбий-педагогик билимдонлик** педагогик воқеликни изчил идрок эта билиш ва унда изчил ҳаракат қила олиш малакасини қамраб олади. Бу хислат педагогик жараён мантиғининг яхлитлигича ва бутун тузилмаси билан биргаликда кўра олиш, педагогик тизимнинг ривожланиш қонуниятлари ва йўналишларини тушуниш имкониятини таъминлайди, мақсадга мувофиқ фаолиятни конструкциялашни осонлаштиради.

Билимдонлик ўқитувчи учун ўта муҳим бўлган учта ҳолат билан боғланган замонавий педагогик технологияларни эгаллашни тақозо этади:

- *одамлар билан ўзаро алоқада бўлишда, маданий мулоқотда бўлиш;*
- *фани соҳаси бўйича ахборотларни қабул қила билиш ва уни уқитиш мазмунига мослаб қайта ишлаш ва ундан мустақил таҳсил олишда фойдалана олиш;*
- *ўқув ахборотларини бошқаларга бера олиш.*

Билимдонлик фақат фаолият жараёнида ва фақат конкрет касб доирасида намоён бўлади ва баҳоланади.

Педагогик муҳитда ўқитувчи фаолиятини баҳолашда, одатда, «**педагогик маданият**» термини қўлланади.

Педагогик маданият касбий фаолиятнинг индивидуал мазмуни билан боғланади.

Педагогик билимдонлик ўқитувчининг юксак натижаларга эришишини таъминлайди.

Педагогик маданият фаолият ва муносабатларга эстетик шакл беради.

Педагогик фаолият педагогик маданият тушунчаси таҳлили омили бўлиб хизмат қилади.

## **2. Ўқувчиларнинг билим олиш жараёнининг самарадорлигини ошириш/**

Дарс жараёнида ўқувчилар билим фаолиятини бошқариш бир неча омилларга боғлиқ. Уларнинг энг асосийларидан бири ўқувчиларни ўз фанига қизиқтира олишдир. Олимлар таъкидлаганидек, фақат қизиқишгина психик жараёнлар ва уларнинг идрок, диққат, хотира, тафаккур ва ирода каби функцияларига ижобий таъсир кўрсатади.

Таълим-тарбия жараёнида ўқувчининг билишга оид қизиқишлари кўп қиррали қиёфаларда намоён бўлади: ўқувчини ҳаракатчан ва қизиқувчанлиги, ўқувчининг айрим ўқув фаолиятига шунингдек, умуман ўқишга бўлган мотивлари, ўқувчи шахсининг ўзига хос белгилари ва унинг юналишини қарор топиши ана шулар жумласидандир.

Ўқувчи ёш даврига хос табиий фаоллиги, бирор бир ақлий қизиқиш билан қамраб олинмаса, уни қайси томон бошлаб кетишини олдиндан айтиш қийин. Шунинг учун ҳам К. Д. Ушинский "зўрлаш ва мажбурлашга асосланган уқитиш" ўқувчининг ақлий ривожланишига ҳеч қандай таъсир кўрсатмаслигини алоҳида таъкидлаб ўтган эди. Шунини таъкидлаш лозимки, қизиқишлар ва мотивлар ўқувчилар ўқув фаолиятларининг шаклланиш даражасига қараб шахсининг шакллантирувчи (ўқувчининг назарий фикри, уқиш фаолиятини ўқувчи шахси учун аҳамияти) дастлабки омиллар билан ўзаро мураккаб муносабатларда намоён бўлади.

Хўш, ўқувчиларнинг ўқишга (билишга) бўлган қизиқишларини шакллантириш шартлари қандай? Моҳир ўқитувчи уларни дарсда ўқувчиларда шакллантириш учун нима қилиши керак? Ўқув фаолиятини фаоллаштириш ва ўқишга бўлган қизиқишларни доимо ривожлантириб бориш учун нима қилиш керак?

Моҳир ўқитувчи ўқувчиларда ўқишга бўлган қизиқишларни шакллантириш ва доимо ривожлантириб бориш учун қуйидагиларга амал қилиши муҳимдир:

1. Ўқувчиларни билишга интилишини, фанга умуман олганда ақлий меҳнатга қизиқишларини ривожлантириш ўқув жараёнини шундай ташкил этилишини таъминлайдики, унда ўқувчи фаол ҳаракат қилади, мустақил изланиш ва янги омилларни "кашф этиш"га, муаммоли вазиятларни ўзи ҳал этишга интилади.

2. Ўқув фаолияти бошқа фаолиятлар каби фақат турлича бўлгандагина, қизиқарли бўлади. Бир ҳил усулда ахборот бериш ва бир ҳил усулдаги ҳаракатлар тез орада зерикашни вужудга келтиради.

3. Фанга бўлган қизиқишни шакллантиришда бу фанни ва унинг айрим қисмларини ўрганишнинг зарурлиги, муҳимлиги ва мақсадга мувофиқлигини ўқувчиларга аёнлаштириш жуда зарурдир.

4. Ўқитилган материал олдинги материал билан қанчалик кўпроқ боғлаб тушунтирилса, у ўқувчиларга шунчалик қизиқарлироқ туюлади. Ўқув материалини ўқувчиларни қизиқтирадиган нарсалар билан боғлаб тушунтириш ҳам, уларни дарсга қизиқтиришда муҳим рол ўйнайди.

5. Ўртача қийинликдаги ўқув материали ҳам ўқувчиларда қизиқиш уйғотмайди. Ўқув материали бир оз қийинроқ, лекин ўқувчилар кучи етадиган бўлиши керак.

6. Ўқувчилар бажарган ишларни тез-тез текшириш ҳам уларни фанга бўлган қизиқишини уйғотади.

7. Ўқув материалининг аниқлиги, ҳиссиётга бойлиги, ўқитувчининг завқланиб гапириши ҳам ўқувчига, уни фанга бўлган қизиқишини ортишига жуда катта таъсир кўрсатади.

Илғор ўқитувчилар ўқитиш методларини танлашга алоҳида эътибор

берадилар. Ўқувчиларнинг фронтал, дифференциялашган ва яқка тартибдаги фаолиятлиларининг умумий жиҳатлари кўпроқ бўлсада, уларни ташкил этиш ўқитувчидан ўзига хос ижодий ёндошишни талаб қилади. Ўқувчилик фаолиятининг объектини таркиби ва ўзига хослиги унинг ҳар бир аниқ вазиятга ижодий ёндошишини тақозо қилади. Агар бутун синф, гуруҳ ва алоҳида шахсга нисбатан бир хил метод билан таъсир кўрсатилар экан, унда тарбияси ҳам, ижодий ёндошиш ҳам барбод бўлади.

Айрим ҳолларда ўқишга қизиқтирувчи методлардан, бошқа ҳолларда эса бурч ва жавобгарликни ҳис этишни рағбатлантирувчи методларга кўпроқ эътибор бериш тавсия этилади. Таҷрибали ўқитувчилар ўтилаётган мавзунини халқ хўжалиғи масалаларини ҳал этишдаги аҳамиятига оид қизиқарли мисоллар келтирадилар, дидактик ўйинлардан, ўқувчилар фаоллигини рағбатлантирувчи турли усуллардан фойдаланадилар. Лекин ўқувчи фаолиятида ҳамма нарсани равшан ва қизиқарли ҳолда тасаввур этиш қийин. Шунинг учун ҳам ўқитувчи ўқувчиларда пайдо бўладиган қийинчиликларни енгиш учун ўзига ирода ва қатъийликни ҳам таркиб топшириши зарур.

### **Дарсдаги фаолиятнинг турли-туманлиги ҳақида**

Моҳир педагоглар маъруза, семинар, мунозара, конференция, ўқув саёҳати, ўқувчи-маслаҳатчилар ёрдамида мустақил дарс, кўрик-конкурс каби дарс турларидан фойдаланишга алоҳида эътибор берадилар.

Ўқитувчининг моҳирлиги юқорида қайд қилинган ноанъанавий дарс турларини ўтиш техникасининг эгаллашида намоён бўлади.

Ўқувчилар тафаккурини ривожлантиришда маъруза дарсларнинг аҳамияти каттадир. Таҷрибанинг кўрсатишича, маърузани бошлашдан олдин бу материални ўрганишда кўзланган аниқ мақсадни таъкидлаш лозим. Сўнгра билимларни эгаллаш ғояни исботлаш, оқилона ҳаракат усулларини танлаш принтсипларни кўрсатиш зарур. Шундан сўнггина мавзунини моҳиятини очиб берилади.

Ўз ишига ижодий ёндошадиган ўқитувчилар маъруза давомида диалог, савол-жавоб, қайтариш, зиддиятли вазиятлар, ўхшатишлар ва бошқа фаолият турларидан унумли фойдаланадилар.

Ўқувчиларга янги билимларни ва қонуниятларни кашф этиш билан боғлиқ бўлган ақлий фаолиятни ривожлантиришда семинар дарслар муҳим аҳамият касб этади. Илғор ўқитувчилар таҷрибаларида таъкидланганидек, семинар дарсда энг қолоқ ўқувчи ҳам бошқа турдаги дарсда уддалай олмайдиган миқдордаги ақлий иш бажарар экан. Машғулотлар одатдагидан ташқари ноанъанавий усулларда олиб борилади. Баъзан у мунозара ёки суҳбат шаклида бўлиши мумкин. Лекин ўқув материални аниқ ва ишонарли қилиб баён этилади.

Илғор ўқитувчилар иш таҷрибасида мунозара дарслар ҳам муҳим ўрин эгаллаб келмоқда. Ўқитувчиларни таъкидлашларича, мунозара дарсларни ўтиш жуда катта моҳирликни талаб этади. Бунда энг аввало ўқувчилар фикрларини таққослаш ва уларнинг фикрларидаги қарама-қаршиликларни аниқлаш муҳимдир. Лекин дарснинг бу турини ҳар доим қўллаш мақсадга мувофиқ эмас, чунки биринчидан, ҳамма мавзулар ҳам мунозарабоп эмас, иккинчидан мунозарага тайёргарлик кўриш ўқитувчидан жуда кўп вақт талаб қилади.

Табиат қўйнида ёки ишлаб чиқариш шароитида ўтиладиган дарслар ҳам ўқувчиларни фанга бўлган қизиқишларини ортисида муҳим роль ўйнайди

Дарснинг ноанъанавий шаклларида бири кўрик-конкурс дарсидир. Бунда синф (гуруҳ) ўқувчилари 3-4 тадан гуруҳларга бўлиниб, мавзунини мусақил ўзлаштириб дарсни ўзлари баён қиладилар. Дарснинг бу тури мусобақа шаклида ўтказилгани учун ҳар бир ўқувчи унга сидқидилдан астойдил тайёргарлик кўришга интилади. Баҳолашда ҳам гуруҳдаги барча ўқувчилар иштирок этадилар. Бунда дарснинг мазмуни, методик таъминоти, материални тушунтиришни ўзига хослигига алоҳида эътибор берилади. Ўқувчиларни гуруҳчаларга бўлиниб ишлашлари эса уларни жамоада ҳамкорлик билан ишлашга, ўзаро ёрдам беришга ўргатади.

Муаммоли уқитиш бунёдкор ва илғор ўқитувчиларнинг тажрибасиз ўқитувчидан тубдан фарқ қилувчи томонлари қуйидагилардан иборат: Тажрибаси бўлмаган ўқитувчилар дарсда ўқувчиларга асосан билимларни тайёр ҳолда берадилар. Бундай ўқитувчилар дарсда кўпроқ ўқув материални ўқитувчи тушунтиришидан ёки дарсликдан ўқувчиларнинг ёд олишига ҳаракат қиладилар. Баъзи ўқитувчилар эса "ҳаммабол" комбинатсиялишган дарсга ўта берилиб кетадилар ва бир хил андоза бўйича ишлайдилар. Албатта, бу уқитишдаги муаммони излаб топиш ва муаммоли вазиятлар яратишдан осон. Баъзи ўқитувчилар эса ривожлантирувчи таълим моҳиятини тўла-тўқис тушуниб ета олмайдилар. Улар етарли даража дидактик ва умумпедагогик маълумотларга эга эмаслар. Натижада муаммоли ўқитишни жорий этишда муваффақиятсизликка учрайдилар.

М. И. Махмутов таъкидлаганидек, ҳозирги замон ўқитувчилари учун муаммоли методни жорий этиш қийинчилик туғдиради, чунки «ўқув дастурлари ва дарсликлар» анъанавий педагогик тафаккур асосида, эскириб қолган дидактика ва методикага асосланган. Ўқув материални баён этиш мантиғи эса уни батафсил (ипидан-игнасиғача) тушунтиришни талаб қилади ва ўқувчиларнинг мустақил ижодий фаолиятларига деярли эътибор берилмайди.

Моҳир ўқувчилар, ўз ишининг усталари учун эса ўқувчилар билан демократик услубда мулоқот қилиш ва ўқувчиларнинг ижодий тафаккурларини ривожлантирувчи муаммоли методлар системасини қўллаш характерлидир. Улар билимларни ўзлаштиришни барча босқичларида муаммоли вазият яратишга эришадилар. Улар ўқувчиларнинг формула ва қонунларни, сон-саноксиз рақамлар ва исмларни, юзлаб қоида ва таърифларни сохта ёд олишларини, уларнинг хотираларини ҳаётда керак бўлмайдиган нарсалар билан тўлдириб банд қилишни қоралайдилар.

Моҳир ўқитувчи дарс ўтиш методикасини доимо такомиллаштириб боради. Муаммони қўяр экан ўқувчини уни ҳал қилишидаги ички зиддиятларни, овоз чиқариб мулоҳаза юритади, ўз фикрларини баён қилади ва уларни муҳокамага қўяди. Содир бўладиган эътирозларни олдиндан бартараф қилади, ҳақиқатни тажрибада (уни намойиш қилиб ёки олимлар ўтказган тажрибалар асосида) исботлайди. Ўқитувчи ўқувчилар олдида илмий тафаккур юритиш ёлларини намойиш қилади. Ўқувчиларни илмий изланиш ёрдамида ҳақиқат томон ёллайди, уларни бунда иштирокчи бўлишларини таъминлайди.

Бунёдкор ўқитувчилар муаммоли ўқитишга алоҳида эътибор берадилар. Масалан, В. Ф. Шаталов ўқувчиларга жуда кўп масалалар ечтиради ва назарий билимларни амалда қўллаш малакаларини шакллантиради. Агар ўқитувчининг тушунтириши, қўлланиладиган таянч сигналлар, схемалар ва конспектлар уларни хотираларини ривожлантирса, масалалар ечиш эса уларнинг тафаккурини ўциради, математик мантиқий фикрлаш эса мусақил фаолиятда таркиб топтиради. Ўқувчиларнинг ижодий тафаккурини ривожлантиришда таянч сигналлар тузиш, "очиқ фикрлар дарслари", олимпиадада иштирок этишлари муҳим аҳамиятга эга бўлади.

Бунёдкор ўқитувчилар фикрича муаммоли уқитиш ўқувчиларнинг дарсдаги фаоллигини, уларни эркин фикрлашларини таъминлайди. Илғор ўқитувчилар ўқув материални блоклар бўйича бериш, умумийликдан хусусийликка, қонунлардан ходисаларга томон ёналишга асосланган принтсиплардан оқилона фойдаланадилар. Шундай қилиб, бунёдкор ўқитувчилар муаммоли вазият амалиётини янги бир поғонага кўтарадилар. Уларнинг тажрибалари замонавий дарсга ёндашиши, уни ташқил этишни янгича тушунишга асос яратди. Бу бевосита муаммоли ривожлантирувчи уқитишга бевосита боғлиқдир.

#### **Ҳозирги замон ўқитувчисига қўйиладиган талаблар.**

- педагогик фаолиятга қобилиятлилик, ижодкорлик, ишбилармонлик;
- миллий маданият ва умуминсоний кадриятларни, дунёвий билимларни мукамал эгаллаган, диний илмлардан ҳам хабардор, маънавий баркамол;
- Ўзбекистоннинг мустақил давлат сифатида тараққий этишига ишонадиган, ватанпарварлик бурчини тўғри англаган, эътиқодли фуқаро;
- ихтисосга доир билимларни, психологик, педагогик билим ва маҳоратни, шунингдек назарий илмларни мукамал эгаллаган;
- ўқитувчилик касбини ва болаларни яхши кўрадиган, ҳар бир ўқувчи улғайиб, яхши одам бўлишига чин кўнгилдан ишонадиган, уларнинг шахс сифатида ривожланиб, инсон сифатида камол топишига кўмаклашадиган;
- эркин ва ижодий фикрлай оладиган, талабчан, адолатли, одобли бўлмоғи даркор.

#### **Бу мақсад қуйидаги вазифаларни ечиш орқали ҳал этилади:**

- педагогик маҳоратнинг назарий-методологик асослари билан қуроллантириш:
- педагогик маҳоратнинг педагогик техника, педагогик мулоқот, педагогик назокат, педагогик қобилият каби таркибий қисмлари ҳақидаги малакаларни ечиш:
- педагогик маҳоратни мустақил шакллантириш кўникмаларини ҳосил қилиш:
- эгалланган педагогик-психологик билимлар асосида шахсий педагогик маҳоратни яратиш малакаларини ҳосил қилиш:
- ўз касбий маҳоратини такомиллаштириш учун шахсий малака оширишнинг шакл, усул ва воситалари билан ўқитувчи-тарбиячи, талабаларни таништириш.

**Педагогнинг хусусий қобилиятларига билим, малака ва кўникмаларни эгаллаш фаолияти ва шахсни тарбиялаш қобилияти ҳам тегишлидир.**

ўқитиш, ўрганиш ва ўргатиш бўйича қобилиятларига қуйидагилар киради:

- талабани тушунишни кўриш ва сезиш, бундай тушунишнинг

даражасини ва характерини ўрнатиш қобилияти;

- ўқув материални мустақил танлаб олиш, уқитишнинг самара берувчи усул ва методларини белгилаш қобилияти;
- материални етарли баён қилиш, унинг барча талабаларга тушунарлилигини таъминлаш қобилияти;
- талабаларнинг индивидуаллигини ҳисобга олган ҳолда ўқитиш жараёнини ташкил этиш қобилияти;
- ўқитиш жараёнида педагогик технологиялардан фойдаланиш қобилияти;
- талабаларнинг катта одимлар билан ривожланишини ташкил этиш қобилияти;
- ўзининг педагогик маҳоратини такомиллаштириш қобилияти;
- ўзининг тажрибасини бошқалар билан баҳам кўриш қобилияти;
- мустақил таълим олиш ва мустақил такомиллашиш қобилияти.

**Педагогик жараёнга қаратилган педагогик қобилиятларга қуйидагилар кирди:**

- бошқа инсоннинг ички ҳолатини тўғри баҳолаш, унга ҳамдардлик билдириш, ҳамнафас бўлиш қобилияти (эмпатия қобилияти);
- тақлид қилиш учун намуна бўлиш қобилияти;
- тарбия жараёнида индивидуал хусусиятларни инобатга олиш қобилияти;
- мулоқотнинг лозим топилган услубини, ўз ўрнини топиш, келиша олиш қобилияти;
- ҳурмат қозониш, талабалар ўртасида обрўга эга бўлиш қобилияти.

Педагогик қобилиятлар ичида педагогик мулоқотга бўлган қобилият алоҳида ажралиб туради.

Ўқитувчининг талабалар билан давомий ва самарали алоқаларини ташкил этишни коммуникатив қобилият билан боғлайдилар

### **Тарбиячи маҳорат тўғрисида тушунча.**

Миллий мустақиллик жамиятдаги ҳар бир меҳнаткашдан Президент И. Каримов таъкидлаганидек, «Ўз кучи, салоҳиятига ишонадиган, боқимандаликни ор деб биладиган, энг ривожланган мамлакатларнинг илғор кишилари билан теппа-тенг муомала қила оладиган, оқни-қорадан яхшини- ёмондан ажрата биладиган, бу мураккаб, бешафқат ҳаётнинг пасту-баланди, тангу-тор кўчаларида оллоҳ берган ақл заковати билан тўғри йўлни адашмай топа олишга қодир бўлган баркамол авлодни тарбиялаб етиштиришни тақазо қилмоқда. Зеро фикри теран, эътиқоди соғлом ёшлар ҳеч қачон миллий мафкурамизга зид характерларга, сохта оқимларга қўшилмайди. Ўқув-тарбия жараёни иштирокчилари олдида турган биринчи галдаги, энг муҳим вазифа, ўқувчи ёшларимизда мафкуравий бўшлиқ пайдо бўлиш сабабларини билиш ва уларни ёш ғоялар таъсиридан асраш ҳамда уларни давр талабидаги мутахасис қилиб тарбиялашдир. Бу улкан вазифани муваффақиятли бажариш учун олий таълим мактабда тайёрланаётган мураббий юксак маҳорат ва одобга эга бўлиш керак».

**Бунинг учун аввало педагогик маҳорат ва одобнинг моҳияти ва мазмунини ўрганиб чиқиш зарур .**

I. Педагогик маҳорат : моҳияти ва мазмуни таълимнинг муваффақиятли

бўлиши, оқибат натижада дарслик ёки методга эмас, балки ўқитувчига боғлиқ.

Меҳнат, билиш, маҳорат, ижод. Инсон ҳаётининг бош мезони. Бу мезон фаолият орқали амалга оширилади меҳнат қилиш, изланиш жараёнида, яъни фаолият жараёнида ютуқлар қўлга киритилади, маҳоратга эришилади. Касбий маҳорат сирларини ўрганишга ҳаракат қилувчи ҳар бир мураббий аввало эгаллаши лозим бўлган педагогик билим маълумотларга эга бўлишга интилиши, қилаётган ишнинг барча қирраларини тасаввур қилишга ҳаракат қилиши, иш натижаларини баҳолаши, йўл қўйган хато камчиликларни моҳиятини тушуниб боришга ҳаракат қилиши лозим. Бу ҳолатлар албатта, фаолият орқали амалга оширилади. Натижада ўқувчиларга билим берилади, уларнинг шахсий сифатлари тарбияланади, психологик хусусиятлари ривожлантирилади, натижада ўқувчи шахс сифатида камол топиб боради. Шунинг учун касбий фаолият жараёнида педагог ташкил қилувчи, йўл кўприк кўрсатувчи, тарғибот-ташвиқот юритувчи, маълумот-ахборот тўпловчи, шахсий хусусиятларини ва маҳоратини такомиллаштирувчи шахс сифатида иштирок этади. Буларнинг барчаси бевосита ва билвосита педагогик маҳоратни шакллантиришга таъсир кўрсатади. Педагогик фаолият аниқ кўринишда бўлса унда ўқитувчи ўқитиш, тарбиялаш, ривожлантириш вазифаларини аниқ кўра олади ва уларни ҳал қилишга ҳаракат қилади. Бу жараёнда фаолият руҳий жиҳатдан тайёрланади, таъсир кўрсатиш воситалари белгиланади, натижаларни назорат қилиш, таҳлил қилиш, баҳолаш ва янги вазифалар белгилаш билан чегараланади. Билимларни ўзлаштириш воситасида шахснинг ўсиши таъминланади, натижада жамият талаби ва вазифалари бажарилади. Бунинг учун ўқитувчи аввало вазиятни тушуниши, ҳар бир ўқувчининг ўзлаштириш жараёни, ривожланиб шахс сифатида шаклланиш даражаларининг мезонини аниқ кўра билиш имкониятига эга бўлмоғи даркор. Бу ўз навбатида ўқитувчидан катта билим, тажрибаларни талаб этади. Бу фақат нисбий маҳоратга эга бўлиш орқали амалга ошади. Шунинг учун ҳам ўқувчи тарбия жараёнида олдидаги муҳим вазифаларни амалга ошириш учун мураббийга маҳорат зарурдир.

Ўқитувчи тарбиячининг касбий маҳорат – бу маълум шахсий (болаларни севиши, меҳрибонлиги, ҳайрихоҳлиги ва ҳ. к.) ва касбий (билимдонлиги, жавобгарликни ҳис қилиши, ижодкорлиги эрудицияси ва ҳ. к.) фазилатларининг йиғиндиси ҳисобланиб, у ўқув предметини чуқур ва атрофлича билишида, педагогик-психологик, усулий тайёргарлигида, ўқувчи–ёшларни ўқитиш ва тарбиялашнинг оптимал йўллари излаб топишида намоён бўлади.

Ўқитувчи педагогик маҳорат сирларини ўрганиши ва юксак натижаларга эришиши учун, аввало ўқувчи ёшларни ўқитиш, маълумотли қилиш ва тарбиялашнинг энг қулай, осон, кўп натижа берадиган йўллари излаб топиш ва қўллашга ҳаракат қилмоғи, таълим ва тарбиясининг, шакл усул ва воситаларидан унумли фойдаланиш керак. Албатта, ўқув ишларининг ташкил қилишнинг замонавий шакл, усул ва воситаларини қўллаш орқали ўқитувчи ўқувчиларни ўқув ишларининг турли жараёнларга, хусусан, ижодий ишларга жалб қилади. Натижада ўқувчиларда маълум илмий билимлар тизими вужудга келади ва амалий кўникма ва малакалар билан қуролланиш имкониятига эга бўлади. Аммо баъзан энг кўп натижа берадиган усул ва восита ҳам кўзланган



натижа беравермайди.

Биз баъзан айрим ўқитувчилардан мен барча методик кўрсатмаларга асосланганда, ўқувчилар мени тушунмаяптилар, дарсда мени тингламай қўйдилар, деган эътирозларни эшитиб қоламиз. Бунинг сабаби шундан иборатки, баъзан ўқитишнинг маълум фаол шакллари, усул ва воситалари ҳам ўқувчиларни ўқишга бўлган қизиқишларини тарбиялашга ожизлик қилади. Бундай шароитларда ўқитувчи шахси, унинг индивидуаллиги ўқувчилар билан муносабати маълум даражада муҳим аҳамият кашф этади. Шунинг учун, аввало, ўқитувчи педагогик маҳоратнинг устаси бўлиши учун ўзининг шахсий фазилатларини тарбиялаб такомиллаштириб бориши, давр, вазият, имкониятга қараб иш тутиши лозим. Шунинг учун ўқитувчи- тарбиячининг касбий маҳорат, билимдонлиги, зукколиги, ижодкорлиги билан бирга шахсий сифатларни ҳам такомиллаштиришни ҳам тақозо қилади. Мураббий фаолият маҳоратини қандай фазилатлар белгилайди? Моҳир ўқитувчи аввало мафкуравий тайёргарликка эга бўлиши лозим. Бу деганимиз Миллий қадриятлар, урф-одатлар, анъаналарни бўлиши ва уларни ёшлар онгига етказиб ўқувчиларни ота-боболаримиз яратган бой меросга ҳурматни тарбиялай олиши керак. Бунинг учун аввало мураббийнинг ўзи миллий қадриятларнинг моҳият мазмунини чуқур англаши, уларга ҳурмат эътиқоди бўла олиши даркор, Ижтимоий ҳаёт қонунларини аниқ тушуниш, миллий-ахлоқий қадрият, мафкура мазмунини англаш ўқувчиларда боболар авлодлар руҳига ҳурматни, илмий дунёқараш асосларини тарбиялаш учун муҳим аҳамият касб этади. Шундай қилиб, ўқитувчи шахсий фазилатининг муҳим омили ўтмиш меросини мукамал билиш, қадриятлар, урф-одатлар мазмунини англаш ижтимоий тараққиёт қонуниятларини тушуниш орқали илмий дунёқарашни ўзида тарбияланган бўлиши керак.

Болаларни сева олиш, уларга ўз ота-оналаридек меҳрибонлик кўрсата билиш моҳир педагогнинг муҳим шахсий фазилатларидан биридир. Мураббий ҳар доим, ҳамма вақт ўқувчиларга меҳрибонлик кўрсата олиши лозим. Ўз ўқувчиси тўғрисида шошма-шошарлик билан хулоса чиқармаслик, улар ҳақида салбий ёки ижобий фикрга келмаслик ўқувчилар орасида унинг "севимли" ёки "ёмон"-кўрадиган тарбияланувчиларни бўлиши ўқитувчида педагогликни сўндиради қандай бўш ва паст ўзгаштирадиган, "тарбияси қийин" ўқувчининг вазифаси шундан иборатки, ўқувчидаги ана шу билинар билинмас лекин энг муҳим ижобий фазилатни топа олиш ва шу фазилатга таяниб ўқувчи мулкидаги, ўтмишидаги салбий хусусиятларни тугатишга интилмоғи лозим. Ўқитувчи шахсий фазилатлари тизимида педагогни фаолиятга бўлган эҳтиёж номли муҳим касбий йуналиши мавжудки у педагогни маҳоратни эгаллаш учун катта роль уйнайди. Бундай профессионал хусусиятларни олимларимиз С.Баранов ва бошқалар шундай изоҳлайдилар. Педагогик фаолиятга бўлган эҳтиёж профессионал маҳоратдаги ўқитувчи шахсий фазилатларини белгиловчи қимматли баҳодир, у ўзида: "...болаларга қизиқиш ва муҳаббатни; педагогни ишга ҳавасни; психологик-педагогик зийраклик ва кузатувчанлигимни мужассамлаштиради.

Мураббийнинг ўқувчиларга нисбатан меҳрибонлиги, хайрихоҳлиги болаларни севиши инсоний талабчанлик асосида кўрилмағи лозим,

инсонпарварликка асосланган талабчанлик ўқувчиларни интизомга чақиради, ўз ҳулқ-атвори тўғрисида ўйлашни, ўзига бошқалар кўзи билан қарашни, салбий хусусиятларим қайта тарбиялашни, ижобий фазилатларини такомиллаштиришни йўлга қўйишга даъват этиш муддаосига эришади. Бунинг учун мураббий талабнинг меъерини билиши лозим. Талаб истиқболли бўлиб, боланинг келажак ҳаёти, фаолиятини ривожлантиришга қаратилган, болаларни қувончга қизиқишларини такомиллаштирувчи йуналтирилган бўлсагина, мақсадга мувофиқ бўлади. Л.И.Рувинский таҳрири остида чоп этилган "Тарбиявий ишлар методикаси" қўлланмасида талабларнинг бир неча шакллари кўрсатиб ўтилган, жумладан, илтимос шаклидаги талаб, ишонч билан талаб қилиш, талаб-маъқуллаш, талаб-маслаҳат, Ўйин шаклидаги талаб, талаб-шаъма, шартли-талаб, қораловчи талаб, ишончсизлик асосидаги талаб, талаб қўрқитиш ва бошқалар»

Мураббий шахсий сифатининг яна бир кўриниши "унинг шахсий намунаси дир. Ўтмиш мутафаккирларими?: меҳнат шахсни шакллантиради деб даъват этган эдилар. Дарҳақиқат, мураббийнинг шахсий намунаси ўқувчи учун ҳаёт дарслиги вазифасини ўтайди.

Шахсий намуна ўз ишига бўлган муносабатда, ўқувчиларни, тушуниш, ҳурмат қилиш, талабнинг меъёрда бўлишида намоён бўлади. Ўқитувчининг шахсий намунаси ҳар қандай педагогик жамоадаги муносабати билан белгиланади. Айрим ҳолларда энг яхши деб, ёки энг ёмон деб тушунилган ўқувчиларимиз тескари бўлиб чиқиши мумкин. Шунинг учун ўқитувчи синчков, зийрак, чидамли, сабр-тоқатли, ўзини тута биладиган» ҳайрихоҳ мунтазам ўз ҳиссиётини, фаолияти, ҳулқ-атворини назорат қила оладиган киши бўлиши лозим. Шундагина иш ҳам, тарбия ҳам унумли бўлади.

Ўқувчилар ўзларининг қилган ишлари, ҳулқ атворларига қўйиладиган баҳона зийраклик билан кузатувчан бўладилар. Айниқса, коллеж ёшларида болалар ўқитувчининг қай ҳолатларида ҳақ, қай вазиятларда у ноҳақ эканлигини аниқ баҳолайдиган бўладилар. Ўқитувчининг шахсий фазилатларини унинг касбий хусусиятлари тўлдирса, у касбий маҳорат пиллапоялари сари яна илгари одимлайди. Юқорида қайд қилиб ўтганимиздек ўқитувчи касбий маҳоратини унинг билимдонлиги педагогик-психологик, методик тайёргарлиги, эрудуцияси, ижодкорлиги, ўқувчи-ёшларни уқитиш, тарбиялаш ва ривожлантиришнинг оптимал йўллари излаб топиши каби малакалар ташкил этади. Касб маҳоратининг бу малакалари педагогик техника, педагогик қобилият, педагогик ҳаёл; педагогик такт; педагогик мулоқот мазмунида таркиб топиб боради. Ўқитувчи касбий маҳоратининг бундай таркибий қисмлари ўқитувчининг ғоявий-сиёсий тайёргарлиги, ўқув предметининг илмий-назарий ва амалий асослари билан қуролланиш, мунтазам мустақил билим олишга интилиши каби хусусиятлар билан тўлдирилади.

Компонентлар ўзаро педагогик маҳоратнинг мазмунини ташкил этади. Изоҳлаб ўтилган мураббийнинг шахсий ва касбий сифатлари, узвий боғлиқликда шаклланиб такомиллашиб боради. Улар педагогик фаолият заминида мустаҳкамланар экан ўқувчилар билан бўлган муносабатларда, уларнинг қалбини билишга интилишда, Ўз шахсий ва касбий фаолиятини мунтазам назорат ва таҳлил қилишда намоён бўлади. Мабодо ўқитувчи педагогик касбни

фақат ўқувчиларга билим бериш, уларни тарбиялашдан иборат деб билса, катта хатоликка йўл қўяди. Шунинг учун у вақти-вақти билан ўз ишларини, муомаласини, муносабатларини, хоҳ у ижобий бўлсин, хоҳ салбий таҳлил қилиб боришга одатланиш керак. Булардан ташқари касбий маҳорат тизимида яна шундай масалалар, борки уларни билмаслик, уларга эътиборни қаратмаслик мактабда таълим-тарбия жараёнини ташкил қилиш ва амалга оширишни қийинлаштиради, оқибат-натига педагогик маҳоратни шакллантириш ва уни такомиллаштириш ишларига шароит яратилмайди.

Илмий педагогик таълим, мактаб тажрибасини ўқитувчининг касбий маҳорат куйидаги омиллар асосида, ривожланиши мумкинлигини кўрсатмоқда: Ўқув предметининг илмий-назарий ва методологик асоси билан қуролланиши таълим-тарбиянинг мақсад ва вазифаларини давр талаблари асосида англаш ва амалга оширишни режалаштириш;

- шахсий педагогик маҳоратни мустақил ташкил этиш ва мустақил билим олишни аниқ режа маҳоратни, шакллантириш ва уни такомиллаштириш ишларига шароит яратилмайди.

Илмий педагогик таълим, мактаб тажрибасини ўқитувчининг касбий маҳорат куйидаги омиллар асосида ривожланиши мумкинлигини кўрсатмоқда:

- предметининг илмий-назарий ва методологик асоси билан қуролланиши.
- таълим-тарбиянинг мақсад ва вазифаларини давр талаблари асосида англаш ва амалга оширишни режалаштириш.

## **2.Тарбиявий иш жараёнида тарбиячи рухий ҳолатини тартибга солишнинг моҳияти.**

Сабр-тоқат, ташқи вазминлик нуқтаи назаридан ўз ҳис-туйғуларини қўлга олишгина ниҳоятда муҳим бўлиб қолмасдан, турли ҳиссиётли ҳолатларнинг рўй бериши ва кечишини маълум даражада бошқара билиш, кечинмаларнинг ижобий тусда бўлишига эришиш ҳам муҳимдир. Чунки, ҳатто жанжалли вазиятларга ҳам турлича ёндашиш мумкин. Бу кўп жиҳатдан кишининг қандай йўл тутишига боғлиқ бўлади.

Нохуш ҳиссиётларни йукотиш ёки камайтиришга, масалан, куйидагича йўл тутиш ёрдам беради: менга осойишта, дадил овоз билан дарс олиб бориш, тарбиявий тадбирлар ўтказиш, сабр-тоқат ва ўзини тута билиш намунасини кўрсатиш завқ бағишлайди. Талабалар ғурурида жанжалли вазият чиқиб қолгудай бўлса, сабр-тоқат ва хушмуомалаликни намоён қилиш, бақриб, асабийлашаётган, қизишаётган, қадр-қимматини йукотаётган кишидан юқори туриш ва шу қабилар менга хузур бағишлайди.

Бундай йўл тутиш нималар бериши мумкин?

Шундай кишилар учраб турадики, улар ўзларини мутлақо ҳар хил тутадилар ва қандай йўл тутишларига, масалан, бошлиққа ёки бўйсунувчи кишига нисбатан қандай йўл тутишларига қараб, турли ҳиссиётларни бошдан кечирадилар. Бундай киши бошлиқ билан бўлаётган суҳбат унчалик ёқимли бўлмаса ҳам одатда анча вазмин, хушмуомала бўлади, мулойим кулади. Бўйсунувчи кишига нисбатан (ўқитувчи эса талабага нисбатан) холисона олиб қараганда анча осойишта шароитда ҳам «қизиша» бошлайди, асабийлашиб, ҳаяжонланади. Кўпинча ўзидан кўрқадиган ва чўчидиган одамлар олдида

шундай қилади.

Баъзи талабалар каттароқ бўлиб қолгач, қари ота-оналарига мутлақо тоқат қилолмайдилар, айниқса, ота-оналар уларга моддий жиҳатдан боғлиқ бўлиб, ўзларини ночор сезсалар, талабаларнинг яхши муомаласидан меҳр - муҳаббатидан маҳрум бўлиб қолишдан жуда хавотирланиб, ўзларини мулозаматли тутсалар, ўзларининг ёмон эшитишлари, хотиралари заифлиги ва ҳоказолар билан боғлиқ бўлган камчиликлардан кексаларча чўчисалар, шундай қиладилар, Лекин шу талабалар айна вақтда ўз ота-оналарини севадилар, Баъзида, ҳатто ўз қилиқларидан ачинадилар ҳам. Аммо қари ота-оналарига нисбатан пайдо бўлган тажовузкорлик йўлини тутиш ҳиссиётли чайқалишларга, жанжалларга, кераксиз жаҳлдорликка, муомаладаги кескинликка сабаб бўлади.

Киши етарли даражада маданиятли, сахий бўлмаса, бунинг устига ўзини онгли равишда назорат қилмаса, ўзидан кўрқишаётганини кўрса, унда жўшқин тажоввузкорлик йўлини тутиш пайдо бўлади. Шу билан бирга онгли равишда вазмин, ўйланган, муносиб хулқ - атворли бўлиш йўлини тутиш ўз ҳиссиётларини жиловлай билишга, улардан энг нохушлари, стрессли ҳиссиётлар -ғазаб, жаҳл ва шу кабиларга барҳам бериш, уларнинг олдини олишга ёрдам беради.

Умуман, бу ҳиссиётлар қанчалик мақсадга мувофиқ? Кишилар ўз муаммоларини асосан жисмоний йўл билан, дағал мускул кучи билан ҳал қилган дастлабки пайтларда ҳаддан ташқари кучли ҳиссиётлар ғазаб, жаҳл, шиддатли, қутурган ҳолатлар кишига жисмоний кучларини кўп даражада сафарбар қилишга, ғоят хавфли олишув пайтларида организмнинг кучини ошириш учун хизмат қилган.

Инсоннинг тақдири ҳал қилинаётган яшаш ёки ўлиш масаласи ечилаётган бир пайтда ички изтироблар, шикастлар ана шу ўта кучли ҳиссиётлар туфайли ўта хавфли вазиятда омон қолиш ёки ҳалок бўлиш эҳтимолига нисбатан унчалик аҳамиятли бўлмаган. Албатта, бундай вазиятлар ҳозирги даврда ҳам, айниқса уруш шароитларида, кескин гуруҳий кураш шароитларида ва ҳоказоларда сақланиб қолган. Бироқ, бизнинг давримизда маданиятли киши кўпинча шахслар ўртасидаги ихтилофларни ақлий негизда, сўз воситасида ҳал қилган бундай вақтда ўта ҳиссиётли таъсирга умуман зарурат бўлмайди ва куч-ғайратни сафарбар қилишнинг ўзи жисмоний йўл билан сарф бўлмайди. Албатта, ҳозирги замон кишиси ғазабга келиб, жаҳли чиқар экан, беихтиёр муштларини қисади, тишларини ғижирлатади ва ҳоказо, лекин буларнинг ҳаммаси ташқи кўриниш бўлиб жисмоний куч-ғайрат пировард натижада ичга ютилади ва организм янада кўпроқ шикастланади. Айниқса ўқитувчи ўзини тута билиши зарур, у сабр-тоқат, мулойимлик, холислик кўрсата билишда намуна бўлиши лозим.

Шуни эсда тутиш керакки, киши ғазабланганда, айниқса, унинг кучли босқичи бўлган жаҳл отига минганда, ақл-идрок хулқ-атворни назорат қилолмай қолади. Бу шундай ҳолатки, бу ҳақда Римлик шоир Горацій гапириб, тажанглик билан қилинган дарғазаблик қисқа муддатли ақлдан озишдир, деб таъкидлаган эди. Дарғазабликни фақат бошланишида енгиш мумкин, шу сабабли киши ўзининг жаҳли чиқа бошлаганини сезиб, ўзига-ўзи шундай буйруқ бериши

лозим: ўзимни яхши тутишим керак, ўз ҳис-туйғуларимни бошқариб, бебош ҳиссиётларга берилиб кетмаслигим лозим. Бунда энг таъсирчан йўл, Жонатан Свифтнинг: ғазабга берилиш кўпинча бировнинг айби учун ўз-ўзидан ўч олиш билан баробардир, деган таърифига амал қилишдир. Жуда тўғри айтилган гап! Ана шундай фикр яшаш қоидаси бўлиб қолган киши анча вазминроқ, қувноқроқ, оптималроқ бўлади. Албатта, мураккаб ва хавфли вазиятда ғазаб тўлқини адолат учун курашга киришга, масалан, заиф одамни ҳимоя қилишга ёрдам берар экан, бу ҳис-туйғу йўқотилмаслиги, бостирилмаслиги керак. Лекин бу ўринда ҳам аҳволга ҳаққоний баҳо бериш оқилона бўлиши керак.

Янада қувноқроқ, оптималроқ, вазминроқ бўлиш учун ҳамда ёвузлик, тушкунлик кайфияти ва шу кабилар билан боғлиқ бўлган салбий кечинмаларга йўл қўймаслик учун киши ўз онгини, ақлини кўп даражада сафарбар қилиши, бу ҳолатларнинг сабабларини тушуниши ва уларга барҳам бериши зарур. Лекин бунда, албатта, ҳиссиётларнинг жўшқинлигини салбий кечинма деб ҳисоблаб бўлмаса керак. «Педагог — аввало фуқаро бўлиб, феъл-атворининг бутун эҳтироси билан адолат учун курашмоғи лозим», деган бир адиб фикрини эслайлик. Киши ҳаётдаги икир-чикирлардан юқори кўтарила олиши, ўзининг диққат-эътиборини асосий нарсага қарата билиши муҳимдир. Акс ҳолда, уни кундалик майда-чуйда жанжаллар ва улар билан боғлиқ салбий ҳиссиётлар «еб битириши» мумкин. У доимий равишда аччиғлана бошлайди, атрофдагилар билан ўз муносабатларида вазминликни йукота бошлайди, ўқитувчилик касби ҳақида гап кетганда бунга асло йўл қўйиб бўлмайди.

Академик Д.С.Лихачев мақсаднинг кишилар ҳаёти ва ҳис-туйғуларига таъсири тўғрисида қизиқарли ёзади: «Киши ҳаётда эришадиган кўп нарсалар унинг ҳаётда қандай мавқени эгаллаши, бошқаларга нималар бериши ва ўзи учун нималар олиши унинг ўзига боғлиқ. Муваффақият ўз-ўзидан келмайди. У кишининг ҳаётда нимани муваффақият деб ҳисоблашига, ўзига қандай баҳо беришига, қандай вазият йўлни танлаганига, ниҳоят, унинг ҳаётдаги мақсади қандайлигига боғлиқ...

Ҳар бир кишида кичик мувоффақият шахсий мақсадлардан ташқари, ҳаётда шахсдан юқори турадиган мақсад ҳам бўлиши керак, шунда муваффақиятсизликлар эҳтимоли кам даражага келтирилади.

Ҳақиқатда ҳам шундай. Кичик мақсадларда рўй бериши мумкин бўлган муваффақиятсизлик улуши ҳамиша катта бўлади. Ўз олдингизга соф маиший вазифани — яхши нарсалар сотиб олиш вазифасини қўйдингиз, лекин сизга иккинчи навли нарса тегиб қолади. Бундай ҳол жуда тез-тез содир бўлиб туради. Агар бу кичик вазифа сиз учун асосий вазифа бўлса, сиз энди ўзингизни омадсиз деб ҳис қиласиз. Агар бу кичик мақсад сиз учун «йўл-йўлакай» мақсад бўлса, сиз уни «йўл-йўлакай» ва кичик мақсад деб ҳис қилсангиз, ўзингизнинг бу «мувоффақиятсизлигингизга» унчалик эътибор ҳам бермайсиз. Сиз унга жуда хотиржам муносабатда бўласиз.

Бордию, сиз ўз олдингизга шахсдан юқори турадиган мақсадни, айтайлик, энг умумий мақсад — одамларга иложи борича кўпроқ фойда келтириш мақсадини қўйган бўлсангизчи? Бу улкан ҳаётини вазифангизни бажаришда сизга қандай «машъум» муваффақиятсизлик ҳалақит бериши мумкин? Уни бажаришга

хар қандай шароитда ҳам эришиш мумкин, мувоффақиятсизлик эса натижасиз нарса, фақат айрим ҳоллардагина... Умуман, сизга мувоффақият кулиб боқадди. Агар бу вазифада сизнинг шахсий бахтингиз ҳам бор бўлса, бу бахтингиз таъминланади».

Албатта, киши ўз олдига катта мақсад қўйганда, маънос, ғамгин, тушкун кайфиятда бўлиши мумкин. Бундай бўлишига сабаб шуки, киши жуда узоқ мақсад билан банд бўлар экан, бошқа, хусусий, анча яқин мақсадларига эришганидан мутлақо қониқмайди ва бу қониқишни ҳис қилмайди. У бугун эришган мувоффақиятидан, яхши ўтказган дарсидан ташқари қувона олмайди, ўзининг кундалик ҳаёти имкониятларидан фойдаланишни билмайди.

Зарарли кайфиятларга берилмаслик учун ўз шахсининг устун томонлари ва камчиликларини чуқурроқ ўрганишга, ўзи ҳақида ўйлаш, ўзига бино қўйган кишининг «мен-энг яхшиман, менинг турмуш тарзим, менинг феъл-атворим тўғри» деган мағрурона фикридан воз кечишга ҳаракат қилиши муҳимдир. Киши ўзига четдан туриб қараши, бошқа кишиларнинг феъл-атворини ўзиники билан қиёслаши, ўз шахсиятида ақалли озгина бўлса ҳам бемаънилик, ўжарлик, тушкунлик бор-йуклиги хусусида, бошқа кишилар, хусусан талабалар сизни бефарқ, ёмон, ёвуз, ғаразгуй ва ҳоказолар дейишга асослари бор-йуклиги устида ўйлаб кўриш ибратли бўлади. Киши ўз кечинмаларини фаҳмлаши, таҳлил қилиб кўриши керак.

Шундай қилиб, оптимистик кайфият ривожланган ақл-идрок билан уйғунлашиб кетиши керак. Онг билан уйғунлашган ҳиссиёт соҳаси инсон бахт-саодати учун хизмат қилиши зарур. Жуда кўп кишиларга бахт келтирган энг бахтиёр киши улуғланади. Бунда айниқса, шу нарсани эсдан чиқармаслик керакки, айнан кишининг қилган яхшилиги, бошқа кишилар учун, ўз талабалари учун қувона олиши ва ачиниши инсоний бахт асосини, ўз ҳаётдан қаноат ҳосил қилишдан иборат алоҳида, қувонч ҳисси билан озуқаланган ҳолат асосини яратади.

Шунинг учун ҳам киши ўзида яхши, инсонпарварлик ҳис-туйғуларини ривожлантириши айниқса ўқитувчилик касби намоёндалари учун муҳим шартли эканлигини айтиб ўтиш жоиздир.

Талабалар билан бўлажак муомала олдидан педагогнинг ижодий кайфиятини ҳосил қилишида унинг ўқув материалига ўз ҳиссий муносабатини ифодалашнинг ташқи шакллари олдидан топишга интилиши муҳим рол ўйнайди: булар тегишли имо-ишоралар, юз ҳаракатлари, гапириш оҳангидир. Ўқув материалига ўз муносабатини ифодалашнинг ташқи шакллари ўйлаб олиш, табиийки, дарсга, тадбирга шундай психологик тайёргарлик кўришга таянадикки, унинг таркибий қисмлари санаб ўтилган. Дарсда тадбирларда ўз фикрлари, ҳис-туйғуларини қандай қилиб яхшироқ ва эркинроқ гавдалантириш устида мулоҳаза юритар экан, педагог бўлажак фаолият вазиятига кириб боради, унга чоғланади, унинг шакллари ҳис қилади, фаолиятга бўлган ўзининг ҳиссий муносабатини етказиш воситаларини излайди, излаганда ҳам фақат шакл ҳосил килувчи воситаларни (интонация, юз ҳаракатлари ва шу кабиларни) эмас, балки мазмунли воситаларни қидиради, бу айниқса, муҳимдир. Мазмунли ахборотда фақат мантиқ ва далил-исботларни ўйлаб ўтириш билан

чекланмасдан, ҳиссий ўзакни алоҳида ажратиб кўрсатиш зарур.

Муомалада ижодий кайфиятни вужудга келтириш ва сақлашнинг муҳим вазифаси педагогнинг материалга ўз ҳиссий муносабатини ифодалашда топган ташқи шакллари мустаҳкамлашдир, у педагог томонидан қуйидаги йўллар орқали амалга оширилади: дарснинг боришини, тадбирни фикран эсга тушириш; кўзгу олдида такрорлаш; намуна сифатида санъат (адабиёт, кино, рангли тасвир) асарлардаги вазиятлардан фойдаланиш; намуна сифатида атоқли жамоат арбоблари, олимлар, ёзувчиларнинг таржимаи ҳолларидан олинган аниқ вазиятлардан фойдаланиш.

Ўзининг материалга бўлган ҳиссий муносабатини ифодалашнинг пухта шакллари (ҳамиша бу шаклларни гавдалантиришнинг бевосита вазиятига тузатиш киритади) педагогга фаолият ва муомаланинг ўзгариб бораётган шароитида жадал ва самарали ҳаракат қилиш ҳамда (буниси айниқса муҳим) дарсга тез ва самарали чорланиш имконини беради. Чунки ўзининг ҳиссий муносабатини ифодалашнинг пухта шакллари (уларни педагог тезлик билан эсга туширади) унда изланишнинг жўшқин жараёни тўғрисидаги хотираларни уйғотади, бу билан уларнинг ижодий кайфиятини рағбатлантиради.

Ижодий кайфиятни бошқариш жараёнининг ғоят мураккаб муносабати гуруҳ билан бўладиган бевосита мулоқотда билинади. Ижодий ҳолатни ташкил этиш юзасидан илгари амалга оширилган бутун иш ўз таъсирини кўрсатади. Педагог бўлажак ишнинг мақсадлари ва муҳимлигини англаш орқали бу ишга ўзини рағбатлантиради, у ўзи учун янги мақсадлар ва боғланишларни белгилаб олиши лозим. Бундан кўзда тутилган мақсад—ҳатто таниш ўқув-тарбиявий материал асосидаги бўлажак фаолиятнинг ўзи учун янгилиги, мароқлилигини ҳис қилишдан, бўлажак ишнинг ижодий характерини англаб етишдан, стартолди тайёргарлигининг шарти бўлган бундан олдинги ҳолатни бошқаришдан, тетик кайфиятга эришишдан иборатдир. Педагогнинг тайёргарлиги унинг аудитория билан ўзаро фикр алмашув фаолиятига бевосита қўшилиши босқичида ижодий кайфиятининг ўзига хос тарзда намоён бўлишидир. «Ўқитувчи мазкур дарс олдида дарсда энг муҳим нарса нима эканлигини яхши билади. Бамисоли ўз олдида гуруҳни кўриб туради ва дарс мавзусига мувофиқ равишда ўзига дарснинг ва унинг қўшимча вазифасини аниқлаб олади, дарсда белгиланган мантиқни такрорлайди, режалаштирилган нарсаларнинг сўзсиз бажарилиши учун йўл-йўриқ беради, ўзи назорат қиладиган, таяниш мумкин бўлган, иш доирасига тортадиган талабаларнинг номларини аниқлайди. Кўпинча, психологик йўл билан ишланмаларини кўриб чиқиш ёки тажриба, экспериментнинг тайёрлигини текшириш ёрдам беради, ўз-ўзини тезда текшириб кўради: мендаги ҳамма нарса тайёрми? Психологик йўл сизнинг онгингиздан мазкур дарс учун ортиқча, аслида бўлмаган нарсаларни чиқариб ташлайди; у фикр уфқини ёриштириб, унинг асосида фақат дарснинг тузилиши лойиҳалаштирилади, шунда сизни сабрсизлик қамраб олади: урдасидан чиқармиканман ва урдасидан чиқишни истайман! —деган аниқ тилак пайдо бўлади. Дарсда бирор нарса унчалик чиқмаслиги ҳам мумкин, лекин психологик йўл сизнинг ана шундай иш кайфиятингизни бошлаб берган бўлиб, (унда дарснинг таркибий қисмларини қайта гуруҳлашни амалга оширишини удалай олмайсиз), улар ўртасидаги

мантикий боғланишни йукотмайсиз.

Талабалар билан муомалада киши ўзини бошқара билиши ниҳоятда зарурдир. ўқитувчининг дарсдаги ёмон, ноижодий кайфияти дарҳол умуман гуруҳнинг ижодий кайфиятига таъсир қилади, биргаликдаги фаолиятнинг самарадорлигини пасайтиради. Ижодий кайфиятни бошқаришнинг таклиф этилган тизими индивидуал ўзлаштиришни, ўз устида мунтазам йўналтирилган иш олиб боришни талаб қилади.

Талабалар билан муомала жараёнида ва бевосита ундан олдин ижодий кайфиятни бошқариш—педагог меҳнатининг энг муҳим касбкорлик талаби бўлиб, у педагогнинг гуруҳда, талабалар билан муомалада ва шу кабиларда эркин бўлишини, ҳулқ-атворининг самарали бўлишини таъминлайди. Педагогик ижодкорликнинг асосий босқичларига нисбатан педагогнинг ижодий кайфиятига муомала таъсирининг қуйидаги жиҳатларини ажратиб кўрсатиш мумкин:

1) педагогнинг гуруҳ билан бўладиган муомалани олдиндан пайқаши унинг ижодий кайфиятини сафарбар қилувчи омил эканлиги;

2) гуруҳ билан бевосита дастлабки алоқа, бевосита муомала пайтида педагог ижодий кайфиятнинг рағбатлантирувчи омил сифатида;

3) педагогнинг гуруҳ билан муомаласи тизими; у фаолият жараёнида педагогнинг ижодий кайфиятини ривожлантиришни қўллаб-қувватлайди ва рағбатлантиради;

4) муомаладан қаноат ҳосил қилиш шундан кейинги фаолиятда педагогнинг ижодий кайфиятини рағбатлантирувчи омил сифатида.

Педагогик муомала жараёни ўзи кечадиган бир қатор шарт-шароитлар билан мураккаблашади, муомала шарт-шароитлари муомала характериға умуман анча-мунча таъсир қилади, аслида улар муомаланинг касбий йўналишини кўп жиҳатдан белгилаб беради. Муомаланинг ошкоралик вазияти кўпгина қийинчиликлар туғдиради. Тадқиқотчилар аллақачон қайд этиб ўтганларидек, кишилар, катта аудитория олдида муомала қилиш аудиториянинг гапирувчига диктант қилишиға мўлжалланган бўлиб, бошловчилар учун ниҳоятда мураккабдир ва махсус тайёргарлик кўрмасдан ўтказилиши мумкин эмас. Фақат ўзаро фикр алмашув малака ва усулларини эгаллашгина муомала жараёнида педагогнинг ҳиссий кайфиятини таъминлайди. «Мускул сиқилиши», ҳаяжонланиш — буларнинг ҳаммаси ёш ўқитувчининг гуруҳ билан муомаласини ташкил этишнинг илк босқичини характерлаб беради. Ўқув материални жуда яхши биладиган, педагогик жиҳатдан етарли даражада қобилиятли бўлган талаба қиз М. ўзининг дастлабки педагогик тажрибалари тўғрисида қуйидагиларни ёзади: «Гарчи мен албатта ҳаяжонланган бўлсам ҳам, дарсға қадар менға ҳамма нарса оддий бўлиб туюлган эди. Лекин материални яхши билардим. Гуруҳ ҳам гўё шундай эди. Кўнғироқ чалинғач, мен журнални қўлимға олиб гуруҳға отландим. Иккинчи қаватға кўтарилиб (бу худди ҳозирғидек эсимда) гуруҳни, улар менға қандай қилиб қараб туришларини тасаввур қилдим, мени кўрқув босди. Зинапоянинг охириға борганда оёқларим аллақандай қотиб қолгандай бўлди. Журнални шундай ушлаб олган эдимки, чамаси, уни мендан тортиб олиб бўлмасди. Гуруҳға киришим билан (гуруҳ мени яхши ва самимий кутиб олди) стол олдиға бордим, шунда қўлларим менға ҳалақит бераётганини дарҳол ҳис



қилдим. Мени қутқарган нарса—стулнинг суянчиғи бўлди. Мен уни бармоқларим билан маҳкам ушлаб олдимда, дарс охиригача уни қўйиб юбормадим. Овозим ҳам қандайдир ўзимники эмасди. Деярли нафасим сиқилиб, тишларим орасидан гапираётгандай эдим. Мен шунда гуруҳ менга унчалик таниш эмаслигини ҳис қилдим. Жуда кўркиб кетдим. Айниқса иккинчи партадаги икки боладан кўрқардим. Кузатишимча, улар энг хавфли талабалар эди. Шунда қаёқдандир, билмадим, уларга қандай қилиб бўлса ҳам ёқишим керак деган фикр пайдо бўлди, ўйлаб-нетиб ўтирмасдан уларнинг ҳазилларига жавоб бера бошладим, хушомад қила бошладим. Гуруҳга ёқиш учун қандайдир ҳаяжонланиб гапира бошладим».

Бу ерда сезилиб турадиган «муқкул сиқилиши» ёш педагогга ҳалақит беради: мушакларнинг бўшашиш жараёни ўқитувчи касбий психотехникасининг энг муҳим таркибий қисми ҳисобланади. Бу ерда касбий-педагогик муомала асосларининг тренинги (машқи) бўлимида келтирилган ҳилма-хил машқлар ҳам, шунингдек кўп қиррали жамоат иши ҳам фойдали бўлиб, бу иш жарёнида касбий ўзаро фикр алмашув фаолияти тажрибаси ҳосил қилинади.

Педагогнинг ижодий кайфиятини бошқаришнинг алоҳида бир муҳим муаммоси бундай кайфиятни бевосита фаолият олдида чақириш ва сафарбар қилиш ноижодий кайфиятни енгиш ҳисобланади ва ҳоказо.

К.С.Станиславский тизими асосида педагогнинг ижодий жараёнини ўрганиш шунга ишонч ҳосил қилдирадигани, ижодий кайфиятни, айниқса, бевосита инсонни муомала билан боғланган ижодий фаолият турларида сафарбар қилиш учун «жисмоний ҳаракатлар» усулини қўлланиши жуда истиқболли бўлиб, у ҳақда алоҳида гапириб ўтиш керак. Бу усулнинг моҳияти «Муайян ҳиссий ҳолатга хос бўлган, кишида бу ҳиссийларнинг ўзи келтириб чиқаришга қодир бўлган жисмоний ҳаракатларни бажаришдан иборат бўлиб, мазкур ҳиссийларни ана шу ҳаракатлар тақозо қилади». (Шу нарсани эсга олайлик: биз ҳаяжонимизни енғмоқчи бўлсак, бирмунча тўхтаб, нафасимизни ростлашга, секинроқ ҳаракат қилишга интиламиз, яъни шундай ҳаракат қиламизки, худди мутлақо хотиржам пайтимизда қандай бўлсак, ўзимизни шундай тутамиз, натижада ҳаяжонланиш аста-секин ўтиб кетади.)

Айтайлик, дарсга тайёрланган, тадбирни ва шу кабиларни ҳозирлаган педагогнинг бугун гуруҳда ишлаш истаги йук—шунчаки ёмон кайфиятда. Бу ўринда жисмоний ҳаракатлар усули қандай ёрдам бераркин? «Борди-ю», деган сеҳрли сўз ёрдамга келиши лозим. «Борди-ю, мен яхши кайфиятда бўлганимда, бундай бўлиши мумкин эди: мен тетик, эпчил, одим ташлаб гуруҳга кирардим, самимий саломлашардим», айна вақтда педагог яхши кайфиятда бўлган ўзининг — педагогнинг ҳатти-ҳаракатлари бутун мантиғини жисмонан такрорларди, бу ҳолатга чинакамига ишониши керак. Ўзидан кайфиятни сиқиб чиқариш керак эмас, балки изчил ҳаракат қилиш керак. ҳаракатлар ҳамиша ҳам бизнинг назорат қилишимизга бардош беравермайди ва секин-аста диққатни ишга жалб қилади, бегона таъсирлардан чалғитади, бизни зарур ҳис-туйғуга, бу ўринда ижодий кайфиятга олиб келади. Бир талаба қизнинг ўз устида олиб борган кузатишини келтириб ўтамиз:

«Шундай қилиб, бугун эрталабдан кайфиятим ёмон эди. Ҳеч нарса қилгим,

айниқса дарс бергим келмасди. Таълим муассасасига кўнғироқ чалинишидан икки минут олдин келдим, ўқитувчилар хонасида у ёқ-бу ёғимга қараб олгунимча кириш вақти бўлди. ўқитувчилар хонасидан чиқишим билан кайфиятим яхши, жуда дарс бергим келяпти, гуруҳда мени кутишяпти — мен ана шундайман бир қарорга келдим. Мен энди йўлак бўйлаб тетик, дадил одим ташлаб боряпман, ўзим жуда самимийман, саломлашаман ва талабаларга табассум қиламан, мен бир нарса қилишим керак, ҳавотирдаман, бугун ўтадиган материалим қийин, лекин қизиқарли. ўзим билан бирга кўпгина қизиқарли ва фойдали нарсалар олиб келганман (портфелнинг оғирлигини ҳис қиляпман) ҳаммаси яхши бўлади. Гуруҳга кираман, тетик ва дадил: «Салом, талабалар» дейман. Ўтирамин. Талабалар ҳам ибратли, озода кийинишган. Дарс бошланди, ўзимнинг “борди-ю” деган сўзимни қачон ташлаганимни ва дарсга берилиб кетганимни ўзим ҳам сезмай қолибман. Ўзимни жуда яхши ҳис қилдим, кайфиятим ёмонлигини уни енгиш кераклигини унутиб юбордим, ҳаммаси ажойиб бўлди».

«Жисмоний ҳаракатлар» усулидан фойдаланишда “борди-ю” вазиятида таклиф этиладиган ҳолатларнинг янгилиги ҳиссий реакцияларнинг қудратли воситасидир. Бир вақтлар қабул қилинган «борди-ю» сўзини ҳар гал такрорлайвериш керак эмас, балки уни янги вазифалар, нозик фарқлар, товланишлар билан очиб беришга ҳаракат қилиш, ҳаракатларни жозибадорроқ қилиш керак. Табиийки бу «жисмоний ҳаракатлар» материални, гуруҳни яхши билишга, дарсни тайёрлаш соҳасидаги бутун дастлабки ишга, хусусан мароқли вазифалар қўйишга таъсир қилиши лозим.

Педагогик ижодкорликда Станиславскийнинг «жисмоний ҳаракатлар» усулини руёбга чиқаришнинг ўзига хослиги шундан иборатки, у педагогга фақат бевосита ижодкорлик (одамлар билан муомала) бошланишидан олдин ўзининг ижодий табиатини сафарбар қилишнинг воситаси сифатидагина зарурдир, кейин эса «борди-ю» ҳолатининг «жисмоний ҳаракатлар» мантиқи ижодкорлик вазияти билан чинакамига маънавий мойилликка секин-аста ўсиб ўтади, энди «борди-ю» ҳолатида эмас, балки гуруҳ билан ҳақиқий муомалада бўлади.

Муомалада ижодий кайфиятни шакллантириш мураккаб жараёндир. Бу ерда кўпинча педагог зўриқиш (умумий ҳиссий зўриқишнинг бир тури) туйғусини бошдан кечиради, буни педагогик ижодкорликнинг омма ўртасидаги фаолият, ўзгариб боровчи ижодкорлик ҳолати, ўзининг психик ҳолатларини оператив равишда бошқариш зарурлиги, меҳнатнинг ўзаро фикр алмашиш жиҳатдан бойлиги каби хусусиятлари тақозо қилади.

Педагогик ижодкорлик ва муомала жараёнида вужудга келадиган бу зўриқишни, шунингдек бошқа ноҳуш ҳолатларни енгиш учун ўз-ўзини тарбиялаш юзасидан доимий иш олиб бориш зарур. Ўз-ўзига таъсир қилишнинг бир қатор усуллари мавжуд бўлиб, улардан энг муҳимлари қуйидагилардир; ўз-ўзини ишонтириш, ўз-ўзига буйруқ бериш, ўз-ўзини мажбур қилиш, ўз-ўзига мажбурият юклаш, ўз-ўзини рағбатлантириш, ўз-ўзини жазолаш, ўз-ўзини машқ қилдириш, ниҳоят — ўз -ўзига таъсир қилишдир.

### **3. Шарқ мутафаккирларнинг тарбиячи маҳорати масалалари.**

Биз Абдулла Авлонийнинг "Тарбия биз учун ё ҳаёт ё мамот ё нажот ё

халокат, ё саодат ё фалокат масаласидир" - деган фикрини кўп мушоҳада қиламиз. Буюк маърифатпарварнинг бу сўзлари асримиз бошида миллатимиз учун қанчалар муҳим ва долзарб бўлган бўлса, ҳозирги кунда биз учун ҳам шунчалик, балки ундан ҳам кўра муҳим ва долзарбдир. Чунки таълим тарбия онг маҳсули, лекин айни вақтда онг даражаси ва унинг ривожини ҳам белгилайдиган омилдир. Бинобарин таълим-тарбия тизимини ўзгартирмасдан туриб эса биз кўзлаган олий мақсад, озод ва обод жамиятни барпо этиб бўлмайди деган эдилар, - президентимиз И.А. Каримов ўз асарларида.

Дарҳақиқат, юртимиз келажаги бўлган ёшларни ҳар томонлама камолга етган баркамол инсон қилиб тарбиялашда уларнинг маънавий қирралари: иймон, эътиқод, меҳр, ватанпарварлик, дўстлик, инсонга чексиз муҳаббат, муруватлилик, қаноатлилик ва сабр-тоқатлилик, саҳийлик, миллий ғурур каби фазилатларни шакллантириш жуда муҳимдир. Бу мислсиз тенги йўк ишда ўқитувчиларнинг, тарбиячиларнинг, таълим соҳасида масъул ходимларнинг хизмати бениҳоя каттадир.

Тарбия тарихий ва ижтимоий ҳодисадир. Тарбия авлод аждодларимиздан бизга етиб келган буюк мерос бўлиб, у комил инсонни вояга етказишда муҳимдир. Тарбия инсонларнинг фаолияти жараёнида уларнинг онги ва иродасини устиришга хизмат қилади. Шу билан бирга тарбия ижтимоий ҳодиса бўлиб, инсоният тараққиётининг турли босқичларида ўзига хос мазмун ва амалга ошириш шаклига эгадир. Тарбия ҳақида Шайх Саъдий ўзининг "Гулистон" асарида шундай деб ёзган: "Кимда-ким ёшлиқдан тарбия олмаса, катта бўлгач бахтли бўла олмайди".

Адибнинг юқоридаги сўзларига амал қилган ҳолда ўқувчиларнинг маънавий бой, жисмоний жиҳатдан соғлом қилиб тарбиялаш мақсадида дастлаб уларнинг тарбиявий даражасини аниқлаш мақсадга мувофиқдир. Бунинг учун ўқувчилар қалбини одоб-ахлоқ нурлари билан ёритмоқчи бўлган тарбиячи ўқитувчи чуқур билим кенг маҳорат ва тарбиячилик санъатини эгалламоғи керак. Тарбиячилар ёшларни тарбиялашда қуйидаги манбалардан фойдаланишлари мумкин:

- Умумий қадриятлар.
- Ислом таълимоти.
- Ўзбек миллий урф одатлари.

Тарбиявий жараён онгли, масъулиятли фаолият бўлиб унда тарбиячи тарбияланувчиларни комил инсон қилиб етиштиришда унда ҳар томонлама таъсир кўрсатади. Тарбиялаш жараёнида тарбиячи ўқувчилар маҳорати тарбия жараёнига жуда катта таъсир кўрсатади. Улар ўқувчилар жамоасининг тарбиявий даражасини ўрганиб, унга таъсир кўрсатиш маҳоратига эга бўлиши, тарбиявий тадбирларни ўқувчиларнинг руҳиятига қанчалик ижобий таъсир этганини кўзатиб, уни янада ривожлантириш, такомиллаштириши, тарбиявий ишларнинг самарадорлигини оширишда ўз билимини таркибий равишда бойитиб бориши лозим.

Юртимизда тарбиявий ишларини ташкил қилишнинг асосий мақсади миллий истиқлол ғояси талабига жавоб берадиган ёшларни тарбиялашга қаратилган экан, айни пайтда бу ният тарбиячи ўқитувчиларга катта

масъулиятни юклайди. Педагогик фаолият юритиш давр талабига жавоб бермоғи лозим. Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида" ги қонуннинг 5 моддасида худди шу хусусда тўхталган: "Тегишли маълумоти, касб тайёргарлиги бор ва юксак ахлоқий фазилатларга эга бўлган шахслар педагогик фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқига эга ...".

Тарбия 3 нарсага эҳтиёж сезади: истеъдодга, илмга ва машққа деган эди улуғ олим Арасту. Ана шу ғояларга асосланган ҳолда тарбиячилар қуйидаги қоунунларга бўйсунмоқлари лозимдир:

- тарбия улуғланаётган инсон шахсини олий ижтимоий қадрият деб тан олиш, ҳар бир бола, ўсмир ва ёш йигитнинг бетакрор ва ўзига хослигини хурматлаш, унинг ижтимоий ҳуқуқи ва эркинлигини эътиборда тутилиши;

- миллийликнинг ўзига хос анъана ва воситаларига таяниш, лекин тарбиянинг миллий бунёдкорлиги ёш авлоднинг яшаши лозим бўлган кўп миллатли ва жаҳон маданияти бойликларининг қизиқишларини интилишларини инкор қилмаслик лозим;

- ўқувчилар фаолиятида тарбиявий жараённинг асосини ташкил қилиш, зарур, қизиқарли, тўлақонли болалар ёш жиҳатларига мос ҳаёт иқлимини яратиш, меҳнат, ҳайрия, ижтимоий фойдали, ижтимоий кўнгил очар ва шунга ўхшаш тадбирлар ташкил этиш лозимки, натижада ўқувчилар ўзлари хоҳлаган ишга қўл урсинлар, муваффақият ҳиссини тўйиб, ўзларига ишончлари ортсин, ахлоқан барқарор бўлсин.

Ўқитувчи тарбиячилик маҳоратини ошириб борар экан, ўзаро муносабатларнинг қуйидаги қирраларига эътибор қилиши лозим:

ватанга муҳаббат ва инсонпарварлик;

маънавий тарбия (одоб ва ахлоқ);

иқтисодий тарбия;

экологик тарбия;

гўзаллик тарбияси;

жисмоний тарбия;

ота-оналар билан ишлаш.

Демак, ўқитувчи жамият ҳаётида етакчи ўрин тутувчи мураккаб шахс структурасига эга бўлган инсоннинг касбий қиёфасидир. Ижтимоий турмушнинг барча соҳаларида эришилган ютуқларнинг заминида унинг меҳнатининг натижалари ётади. Ўқитувчилар тайёрлаш жараёнида, уларнинг ҳам педагогик, ҳам психологик тайёргарлиги ва билимли, муомала маданияти, миллий ва миллий психологик омилларни эътиборга олиш керак. Юксак савияли зўр маҳоратли тарбиячиларгина халқ орзусидаги баркамол инсонни тарбиялайди. Илм инсонни юксаклик сари олиб боради. А.Авлоний айтганларидек: "Илм инсонларнинг мадори, ҳаёти, порлоқ келажаги, раҳбари, нажотига айланган. Илм инсон учун ғоят олий ва муқаддас фазилатдир. Шунинг учун аввалом бор илмли, тарбияли бўлмоқ ҳар бир ёш инсоннинг бурчи. Бу мақсадда кўнглига энг олий орзуларни жамлаб, ўқитувчи тер тўкиб ишлайди. Уларнинг меҳнатини муносиб хурмат қилиб, имконда бор билимларини эгалламоқ керак. Бехбудий айтганларидек: "Дунёда турмоқ учун дунёвий фан ва илм лозимдир".

“Кимга қандай панду насихат қилсанг,  
унга аввало ўзинг амал қил”.

Халқимизда тарбиячилик санъати қадимдан жуда юксак даражада ривожланган. Шарқ мутафаккирлари педагогик олимлари баркамол инсонни етиштириш учун тарбия нақадар зарурлигини, унинг моҳияти ва мазмунини асослаб берганлар.

Педагогик маҳоратни оширишда замонавий ахборот технологияларининг аҳамияти

Таълим жараёнига замонавий ахборот технологияларини жорий этиш ва бунда ўқитувчиларнинг кўникма ва малакаларини ошириш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг жамоат таълим ахборот тармоғини ташкил этиш тўғрисида”ги 2005 – йил 28 - сентябрдаги ПҚ – 191 сонли Қарори, Ўзбекистон Республикаси вазирлар Маҳкамасининг “Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот коммуникация технологияларини жорий этиш чора – тадбирлари тўғрисида ”ги 2002 – йил 6- июндаги 200 – сонли, “ўқитувчи кадрларни қайта таёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизими янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 2006 – йил 25 – сонли қарорининг қабул қилиш маскур масалага давлат сиёсатининг устувор йўналиши сифатида эътибор қаратилаётганлигидан далолат беради.

Ўқув жараёнида замонавий ахборот технологияларини қўллаш таълим методларининг самардорлигини оширишга, ўқитувчилар меҳнат фаолиятининг ўзгаришига, уларнинг педагогик маҳоратларини такомиллаштиришга, педагогик тизимларнинг таркибига ўзгаришига самарали таъсир этади. Бу педагогик жараёнларни ахборотлаштиришни ташкил этиш ва бошқаришда ўзига хос вазифаларини қўллайди.

Педагогик таълим жараёнларини замонавий ахборот технологиялари асосида самарали ташкил этиш: - масофавий ўқув курсларини ва электрон адабиётларни яратувчи жамоа ўқитувчилар, компютер дастурчилари, етиш мутахассисларининг биргаликда фаолият олиб боришини;

Ўқитувчилар ўртасида вазифаларнинг бир маромда тўғри тақсимланишини;

Таълим ва тарбия жараёни янада мукамал ташкил қилишни такомиллаштириш ва педагогик фаолиятнинг самардорлигини ошириш мониторингини ташкил этиш имкониятини яратади.

### **ЗАМОНАВИЙ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ АСОСИДА ЎҚИТУВЧИЛАРНИНГ ПЕДАГОГИК ФАОЛИЯТИ ШАКЛЛАНТИРИШ:**

-таълимнинг технологик асосини замон талаблари даражасида ривожлантириш билан боғлиқ бўлган мураккаб жараён эгаллашади;

- дарс жараёни замонавий техник воситалар асосида ташкил этиш учун махсус кўникма ва малакалар шакллантиради;

- масофавий курсларнинг очиклиги туфайли уларнинг сифатга бўлган талаблар ва ўқув матириалларининг сифатини назорат қилишга эҳтиёж пайдо бўлади;

- таълим жараёнида ўқувчиларнинг мустақил фаолияти

**такомиллашади, дарс жараёнининг самарадорлиги ўқитувчидан ўқувчига кўчади;**

**- ўқув жараёнини ташкил этишда, ўқувчининг ташкилотчилиги ва шахсий иштироки ортади;**

**- замонавий коммуникация технологияларидан фойдаланиш асосида ўқитувчи педагогик фаолиятида ҳар бир ўқувчи билан тесқари вужудга келиши таъминланади.**

Жамиятнинг ҳар бир аъзоси, ўзининг кундалик фаолиятида, узлуксиз равишда турли ахборот ресурсларидан фойдаланади. Доимий равишда ортиб бораётган ахборотлар ҳажми жамиятдаги интеллектуал салоҳиятининг оширишга хизмат қилади. Модомики шундай экан, ўқитувчи ҳам ўз касбий ва педагогик маҳоратини замонавий ахборот технологиялари оқими асосида ошириб бориши мумкин. Ҳар бир ўқитувчи меҳнат фаолияти жараёнида ахборот технологияларидан унумли фойдаланиш учун аввало ўз ахборот муҳитини шакиллантиришга замин яратиш керак, уларнинг ўзаро алоқасини, ахборотларини яратиш, тарқатиш қайта ишлаш тўплаш технологиялари ва воситаларини, шунингдек, ахборот жараёнининг ташкилий ва ҳуқуқий таркибини мужассамлаштиради.

Ҳозирги кунда ўқитувчи таълим – тарбия жараёнида ўқувчиларнинг имкониятлари ва талабларини инобатга олиш зарур. Ўқитувчи томонидан тарғиб этилаётган таълим ва тарбия тизими шахсга йўналтирилган ҳарактерида бўлиши, яни шахснинг ҳар ҳил хусусиятлари ва сифатига эътибор қилган ҳолда табақалаштирилган бўлиши керак.

Ҳар қандай таълим ва тарбия тизими маълум бир ижтимоий, илмий – техник, иқтисодий, маданий ва ниҳоят, сиёсий муҳитда шаклланади ва ривожланади. Бу муҳитларнинг энг устуворлиги ижтимоий – иқтисодий омилларидир. Илмий техник тараққиёт, маданий ва сиёсий муҳит ижтимоий – иқтисодий ўзгаришларни ривожлантириши ёки секинлаштириши мумкин. Таълим тизими жамиятнинг ижтимоий – иқтисодий ва маданий ривожланишининг асосий вазифаларининг амалга оширишга хизмат қилади., умумтаълим мактаблари, олий таълим муассалари инсонни иқтисодиёт, сиёсий жиҳатдан ҳаётда қизғин фаолият кўрсатиш учун таёрлайди. Шунинг учун ҳам таълим муассасаларини ўқитувчиси таълим – тарбия жараёнининг таянч бўғинини сифатида муҳим аҳамият касб этади.

Шу билан бир қаторда, ҳозирги кунда умум таълим мактаблари ва олий таълим муассасалари ўқитувчилари ўртасида ижтимоий – иқтисодий ўзгаришлар ва илмий – техник тараққиёт ўзининг ифодасини кечикиб топмоқда. Ўқитувчи ва ўқитувчиларнинг фикрлаши ва қабул қилиш фаолиятининг янги ғоялар, янги замонавий ахборот технологияларини ўзлаштириш маълум бир вақтни талаб этади.

**Шахсга йўналтирилган ўқитиш**, биринчи навбатда, таълимнинг прадигмасини ўзгартиради. Агар таълим тизимида ўқитиш устувор саналган бўлса, ҳозирги кунда жамият ахборотлашуви даврида устуворлик ўқишга ва ўқишга ва йўналтирилган. Шу сабабдан таълимнинг ўқитувчи – дарслик – ўқувчи прадигмаси ўқувчи – дарслик – ўқитувчи прадигмаси билан ўрин

алмашмоқда. Ўқитувчи эндиликда янги статусга эга бўлади, энди унинг вазифаси ўқитувчиларда мустақил билим олиш имкониятини яратиш ва ижодий фаолиятларини ташкил этиш, билимларни мустақил эгаллаш ва уларни амалётда қўллашга ўргатишдан иборат. Ўқитувчи бундай мақсадда ўқитишнинг методлари, технологияларини шундай танлаш керакки, у ўқитувчиларга нафақат тайёр билимларни ўзлаштиришларида, балки билимларини турли манбалардан излаш, мустақил эгаллаш, ўзларида шахсий нуқтаий назарининг шаклланиши, уни асослаши ва аввалги эгалланган билимларидан янгиларини олишда фойдаланиш имкониятини яратиш керак. Бундай ўқитишни “ривожлантирувчи” ҳам деб аташ ҳам мумкин.

***Назорат саволлари:***

1. Ҳозирги замон ўқитувчисининг педагогик фазилати қандай бўлиши керак?
2. Ўқитувчи замонавий дарсларнинг қандай бўлиши керак?
3. Тарбия технологияларини моделлаштириш нима?

## Хулоса

Маърифатли ва маданиятли дунёнинг таълим тажрибаси шуни кўрсатадики, шахснинг интеллектуал салоҳияти, дунёкараши, шунингдек, унинг маънавий-ахлоқий қиёфасининг шаклланишида у мансуб бўлган муҳит ҳамдаунда қарор топган ижтимоий муносабатларнинг аҳамияти катта бўлади.

Зеро шахс мансуб бўлган муҳитда унинг тафаккури, маънавий ахлоқий қиёфасини шакллантириш учун зарур бўлган объектив ва субъектив хулосалар мавжуд.

Ўзбекистон Республикасида узликсиз таълим соҳасида олиб борилаётган кадрлар тайёрлаш бўйича ислохатлар мамлакат иқтисодиётини малакали мутахассислар билан таъминлашга имкон беради. Мазкур масаланинг долзарблигини таъкидлаб президентимиз И. А. Каримов “Ўзбекистон инновацион ривожлантиришнинг ҳозирги замон моделига ўтиш учун ҳамма зарур шароитларга эга” деган эди. Бу модел вужудга келтирган илмий техникавий салоҳиятдан кенг ва самарали фойдаланишга фундаментал ва амалий фаннинг ютуқларини, чуқур илм талаб қиладиган технологияларни амалиётга кенг жорий этишда юқори малакали иқтидорли илмий кадрлар сонини кўпайтиришга асосланади. Бу мамлакатимизнинг жаҳондаги иқтисодиёти ва саноати ривожланган давлатлар қаторига кириб боришинг зарур шarti ва мустаҳкам пойдевори бўлиб хизмат қилади.

Умумий хулоса қилиб айтадиган бўлсак, мазкур ўқув қўлланма бўлажак бошланғич синф ўқитувчилари учун тайёрланган бўлиб уларнинг назарий олган билимларини мустаҳкамлаш, уларни кучли билим, касбий методика билан қуоллантиришга хизмат қилади. Ушбу ўқув қўлланма педагогик маҳорат фанидан семинар машғулотларини ўрганишда талабалани билим малака куникма билан қуоллантиришга ёрдам беради.



## Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикасининг Таълим “ тўғрисида” ги қонун. / Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққийнинг пойдевори. – Тошкент; „ Шарқ “ 1997
2. Ўзбекистон Республикасининг Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида ги қонуни. // Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққийнинг пойдевори. – Т.Шарқ, 1997
3. Каримов И.А. Ўзбекистон 21 аср бўсағасида. – Т., 1997.
4. Каримов И. А. Юксак маънавият енгилмас куч. – Т., 2008.
5. Бабанский Ю.К. Ҳозирги замон умумий таълим мактабларида ўқитиш методлари. – Т., 1990.
6. Гулбоев Т. Янги педагогик технологиялар. Марузалар тўплами. – Навоий, 2000.
7. Иброхимов А. Ва бошқалар ватан туғриси. – Т., 1997.
8. Кайковус. Қобуснома. – Т., 1991.
9. Ким қандай ўқитади? – Т.: ТДПУ.
10. Макренко А.С. таълим - тарбия тажрибасидан баъзи бир хулосалар. – Т.: Ўқитувчи, 1988.
11. Махмудов Ю.Ф, ва бошқалар. Педагогика ва психология. – Т.: “Дзайн - пресс”, 2010.
12. Махмудов Ю.Ф., Худойкулов Х.Ж., ва бошқалар. Миллий ғурур – маънавий комиллик мезони. – Т.: ДЗАЙИН - ПРЕСС. 2011й.
13. Маърупов, Нурмухаммедов. Қалби қуёш мураббий. – Т., 1987.
14. “Мустақиллик” изохли илмий оммабоп луғат. – Т., 2000.
15. Навоий. А.Маҳбуб ул – қулуб. – Т., 1986.
16. Очилов М.О., Очилова Н. Ўқитувчи одоби. – Т.: ўқитувчи, 1997.
17. Рашидов А. Миллий анъаналар – тарбия мактаби. Халқ таълими. – 1992.
18. Султонова Г. Р. Педагогик маҳорат. – Т.: ТДПУ. 2005.
19. Тошмуродова Қ. Таълим тарбия режалаштириш хусусиятлари. – Т., 1993.
20. Холиқов А. Педагогик маҳорат. – Т.: “Иқдисод - молия” нашриёти, 2011.
21. Худойкулов Х.Ж. Жамиятда муомила ва мулоқат одобни шакиллантиришда ота – она , ўқитувчи ва раҳбар маъсуллиги. – Т., 2009.
22. Худойкулов Х.Ж. Одоб – ахлоқ ва тарбия дурдонаси. – Т., 2010.
23. Шавкатов И. Педагогик маҳорат асослари. Т.: Шарқ, 2009.
24. Юсуф Хос Хожиб. Қутадғу Билиг. – т., 1990.
25. Қудратов Т. Нутуқ маданияти асослари. – Т., 1993.
26. Кўзийев Б., Долимов У. Маърифат дарғалари. – Т.: Ўқитувчи 1999.
27. Ғайбуллаев Н.Р. Таълим – тарбиянинг амалий юналиши. Т.: Шарқ 1986.
28. Ҳасанбоева О. Тарбиянинг ишлари ташкил қилиш методикаси. – Т., 1996.





